юридик шахслар томонидан қайтариб беришнинг шартномада назарда тутилган бошқа шартлари асосида қўйилган омонатлар бундан мустасно. Банк омонати шартномасининг фуқаро омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ҳуқуқидан, муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишнинг қонунчиликда белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Муддатли ёки бошқа омонат, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат юзасидан фоизлар тўланмайди. Омонатчи муддатли омонат суммасини муддат тугаганидан кейин ёки қайтаришнинг бошқа шартлари билан қўйилган омонат суммасини банк омонати шартномасида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаган	юридик шахслар томонидан қайтариб беришнинг шартномада назарда тутилган бошқа шартлари асосида қўйилган омонатлар бундан мустасно. Банк омонати шартномасининг фуқаро омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ҳуқуқидан, муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишнинг қонунчиликда белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Муддатли ёки бошқа омонат, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат юзасидан фоизлар **ёхуд бошка даромадлар** тўланмайди. Омонатчи муддатли омонат суммасини муддат тугаганидан кейин ёки қайтаришнинг бошқа шартлари билан қўйилган омонат суммасини банк омонати шартномасида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаган

Старая редакция	Новая редакция
ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилиб олгунча сақлаш шартлари асосида узайтирилган деб ҳисобланади.	ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилиб олгунча сақлаш шартлари асосида узайтирилган деб ҳисобланади.
763-модда. Омонатга тўланадиган фоизлар Банк омонатчига омонат суммаси учун банк омонати шартномасида белгиланадиган миқдорда фоизлар тўлайди. Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт. Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Банк фоизлар миқдорини камайтирган тақдирда, **фоизларнинг янги миқдори фоизлар** камайтирилганлиги ҳақида омонатчиларга хабар берилганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланади. Агар банк омонати шартномасида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу хабарга қадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар миқдори тегишли хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланади.	763-модда. Омонатга тўланадиган фоизлар **ва (ёки) бошка даромадлар** Банк омонатчига омонат суммаси учун банк омонати шартномасида белгиланадиган миқдорда фоизлар **ва (ёки) бошқа даромадлар тўлайди.** Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт. Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар **ва (ёки) бошка даромадлар** миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Банк фоизлар **ва (ёки) бошка даромадлар** миқдорини камайтирган тақдирда, **уларнинг янги миқдори улар** камайтирилганлиги ҳакида омонатчиларга хабар берилганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланилади**.** Агар банк омонати шартномасида бошка муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу хабарга кадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар ва (ёки) бошка даромадлар миқдори тегишли хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланилади

Старая редакция	Новая редакция
Омонатни муайян муддат ўтгач ёки шартномада назарда тутилган вазиятлар юз берганидан кейин қайтариш шарти билан қўйилган омонат юзасидан банк омонати шартномасида белгиланган фоизлар миқдори, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас.	Омонатни муайян муддат ўтгач ёки шартномада назарда тутилган вазиятлар юз берганидан кейин қайтариш шарти билан қўйилган омонат юзасидан банк омонати шартномасида белгиланган фоизлар **ва (ёки) бошка даромадлар** миқдори, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас.
859-модда. Ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги Мол-мулкни ишончли бошқариш пайтида фойда олувчининг ёки бошқарув муассисининг манфаатлари тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаган ишончли бошқарувчи фойда олувчига мол-мулкни ишончли бошқариш вақтида бой берилган фойдани, бошқарув муассисига эса мол-мулкни йўқотиш ёки унга шикаст етказиш билан келтирилган зарарни, шунингдек бой берилган фойдани тўлайди. Агар ишончли бошқарувчи ушбу зарарлар енгиб бўлмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошқарув муассисининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққанлигини исбот қилиб бера олмаса, етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Ишончли бошқарувчи ўзига берилган ваколатлардан четга чиққан ёки ўзи учун белгилаб қўйилган чеклашларни бузган ҳолда тузган битим бўйича мажбуриятларни ишончли бошқарувчи шахсан ўзи бажаради. Агар битимда қатнашувчи учинчи шахслар ваколатлардан четга	859-модда. Ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги Мол-мулкни ишончли бошқариш пайтида фойда олувчининг ёки бошқарув муассисининг манфаатлари тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаган ишончли бошқарувчи фойда олувчига **қонунчиликда бошкача қоида белгиланган бўлмаса** мол-мулкни ишончли бошқариш вақтида бой берилган фойдани, бошқарув муассисига эса мол-мулкни йўқотиш ёки унга шикаст етказиш билан келтирилган зарарни, шунингдек бой берилган фойдани тўлайди. Агар ишончли бошқарувчи ушбу зарарлар енгиб бўлмайдиган куч туфайли ёки фойда олувчининг ёхуд бошқарув муассисининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққанлигини исбот қилиб бера олмаса, етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Ишончли бошқарувчи ўзига берилган ваколатлардан четга чиққан ёки ўзи учун белгилаб қўйилган чеклашларни бузган ҳолда тузган битим бўйича мажбуриятларни ишончли бошқарувчи шахсан ўзи бажаради. Агар битимда

Старая редакция	Новая редакция
чиқилганлигини ёки белгилаб қўйилган чеклашларни билмаган бўлсалар ёки билишлари керак бўлмаган бўлса, вужудга келган мажбуриятлар ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгилаб қўйилган тартибда бажарилиши керак. Бу ҳолда бошқарув муассиси ишончли бошқарувчидан у келтирган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиши мумкин. Мол-мулкни ишончли бошқариш муносабати билан вужудга келган мажбуриятлар бўйича қарзлар ушбу мол-мулк ҳисобидан тўланади. Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда ундирув ишончли бошқарувчининг мол-мулкига, унинг мол-мулки ҳам етарли бўлмаганида эса — бошқарув муассисининг ишончли бошқаришга топширилмаган мол-мулкига қаратилиши мумкин. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси уни тегишли суратда бажармаслик туфайли бошқарув муассисига ёки фойда олувчига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлаш учун ишончли бошқарувчининг гаров беришини назарда тутиши мумкин.	қатнашувчи учинчи шахслар ваколатлардан четга чиқилганлигини ёки белгилаб қўйилган чеклашларни билмаган бўлсалар ёки билишлари керак бўлмаган бўлса, вужудга келган мажбуриятлар ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгилаб қўйилган тартибда бажарилиши керак. Бу ҳолда бошқарув муассиси ишончли бошқарувчидан у келтирган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиши мумкин. Мол-мулкни ишончли бошқариш муносабати билан вужудга келган мажбуриятлар бўйича қарзлар ушбу мол-мулк ҳисобидан тўланади. Ушбу мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда ундирув ишончли бошқарувчининг мол-мулкига, унинг мол-мулки ҳам етарли бўлмаганида эса — бошқарув муассисининг ишончли бошқаришга топширилмаган мол-мулкига қаратилиши мумкин. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси уни тегишли суратда бажармаслик туфайли бошқарув муассисига ёки фойда олувчига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлаш учун ишончли бошқарувчининг гаров беришини назарда тутиши мумкин.
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Банклар ва банк фаолияти тўғрисида	
3-модда. Асосий тушунчалар Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: ариза берувчи — муассис (муассислар) томонидан банк ташкил этиш бўйича унинг (уларнинг)	3-модда. Асосий тушунчалар Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: ариза берувчи — муассис (муассислар) томонидан банк ташкил этиш бўйича унинг (уларнинг)

Старая редакция	Новая редакция
манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ифодалаш учун вакил қилинган шахс ёки ушбу Қонунга мувофиқ ўз фаолиятини ўзгартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат этган банк ёхуд микромолия ташкилоти;	манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ифодалаш учун вакил қилинган шахс ёки ушбу Қонунга мувофиқ ўз фаолиятини ўзгартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат этган банк ёхуд микромолия ташкилоти;
банк — банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;	банк-банк хисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблагларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар (карзлар) бериш бўйича банк фаолияти сифатида аникланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс. **Агар ушбу Қонунда бошкача конда назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг банкларга нисбатан белгиланган қоидалари исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкларга нисбатан ҳам татбик этилади.**
банклар гуруҳи — молия институтларининг юридик шахс бўлмаган бирлашмаси бўлиб, бунда асосий банк бошқа молия институтларини назорат қилади;	банклар гуруҳи — молия институтларининг юридик шахс бўлмаган бирлашмаси бўлиб, бунда асосий банк бошқа молия институтларини назорат қилади;
банк ҳисобварағи — банк томонидан шартномага мувофиқ мижозга очилган ҳисобварақ бўлиб, унга кўра банк мижознинг ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга киритиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ҳамда бериш ва ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш мажбуриятини зиммасига олади;	банк ҳисобварағи — банк томонидан шартномага мувофиқ мижозга очилган ҳисобварақ бўлиб, унга кўра банк мижознинг ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга киритиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ҳамда бериш ва ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш мажбуриятини зиммасига олади;

Старая редакция	Новая редакция
банкнинг барқарор молиявий ҳолати — банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблигини, тўлов қобилиятини, ликвидлилиги ва рентабелли фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, шунингдек барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилишини ифодаловчи ҳолати;	банкнинг барқарор молиявий ҳолати — банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблигини, тўлов қобилиятини, ликвидлилиги ва рентабелли фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, шунингдек барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилишини ифодаловчи ҳолати;
билвосита эгалик қилувчи (олувчи) — банкнинг акцияларига ўзи назорат қиладиган бошқа шахс орқали эгалик қилувчи (акцияларни олувчи) шахс;	билвосита эгалик қилувчи (олувчи) — банкнинг акцияларига ўзи назорат қиладиган бошқа шахс орқали эгалик қилувчи (акцияларни олувчи) шахс;
	исломий банк фаолияти — банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка ҳамда исломий молия стандартларига мувофиқ амалга ошириладиган банк фаолияти;
	исломий молия стандартлари — исломий молиялаштиришни амалга ошириш стандартларини белгиловчи халкаро ташкилотларнинг қоидаларига ҳамда миллий конунчиликка мувофик Марказий банк ва (ёки) бошка ваколатли орган томонидан қабул қилинган исломий молияга оид қоидалар тўплами
микромолия банки — ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган чекловларни инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширувчи банк. Агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг банкларга нисбатан белгиланган қоидалари микромолия банкларига нисбатан ҳам татбиқ этилади;	микромолия банки — ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган чекловларни инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширувчи банк. Агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг банкларга **ва исломий банк фаолиятини амалга оширувчи микромолия банкларига** нисбатан белгиланган қоидалари микромолия банкларига нисбатан ҳам татбиқ этилади;

Старая редакция	Новая редакция
муҳим аҳамиятга эга ходимлар — банкнинг бошқарув аъзолари бўлмаган, лавозими банк фаолиятига муҳим таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ходимлари; мўлжалланган олиш — потенциал олувчи томонидан банк акцияларини олиш ёки уларга ҳал қилувчи эгалик қилишни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган қарор; охирги бенефициар мулкдор — юридик шахс бўлган, банк акцияларининг потенциал олувчисига ёки бу акцияларга бевосита ёхуд билвосита эгалик қилувчига бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс; пруденциал назорат — банк фаолиятининг ўзига хос таваккалчиликларининг олдини олиш ва камайтириш мақсадида банклар фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки амалга оширадиган назорат; регулятив капитал — банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали; тизимли аҳамиятга молик банк — банк тизимининг барқарорлиги қайси банкнинг фаолиятига боғлиқ бўлса, ўша банк; чет эл банки — чет давлатнинг ҳудудида рўйхатга олинган, унинг қонунчиликка мувофиқ банк деб ҳисобланадиган юридик шахс;	муҳим аҳамиятга эга ходимлар — банкнинг бошқарув аъзолари бўлмаган, лавозими банк фаолиятига муҳим таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ходимлари; мўлжалланган олиш — потенциал олувчи томонидан банк акцияларини олиш ёки уларга ҳал қилувчи эгалик қилишни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган қарор; охирги бенефициар мулкдор — юридик шахс бўлган, банк акцияларининг потенциал олувчисига ёки бу акцияларга бевосита ёхуд билвосита эгалик қилувчига бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс; пруденциал назорат — банк фаолиятининг ўзига хос таваккалчиликларининг олдини олиш ва камайтириш мақсадида банклар фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки амалга оширадиган назорат; регулятив капитал — банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали; тизимли аҳамиятга молик банк — банк тизимининг барқарорлиги қайси банкнинг фаолиятига боғлиқ бўлса, ўша банк; чет эл банки — чет давлатнинг ҳудудида рўйхатга олинган, унинг қонунчиликка мувофиқ банк деб ҳисобланадиган юридик шахс;

Старая редакция	Новая редакция
ҳал қилувчи эгалик — шахс томонидан ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар томонидан юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) бир ёхуд бир неча битим натижасида олинган камида беш фоизига бевосита ёки билвосита эгалик қилиш.	ҳал қилувчи эгалик — шахс томонидан ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар томонидан юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) бир ёхуд бир неча битим натижасида олинган камида беш фоизига бевосита ёки билвосита эгалик қилиш.
5-модда. Банкларнинг молиявий операциялари Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар жумласига қуйидагилар киради: пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш; тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш; жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш; кредитларни уларнинг қайтарилиши, **фоизлилиги** ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш; чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар; жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни ишончли бошқариш; инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;	5-модда. Банкларнинг молиявий операциялари Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар жумласига қуйидагилар киради: пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш; тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш; жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш; кредитларни уларнинг қайтарилиши, **тўловлилиги** ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш; чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар; жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни ишончли бошқариш; инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

Старая редакция	Новая редакция
учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш; пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) шартномасига асосан талаб қилиш ҳуқуқини олиш ёки бошқа шахсга бериш; қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш; аффинланган қимматбаҳо металлар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш; қимматбаҳо металлардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш; ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш; ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш; лизинг бериш; қонунчиликда назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш; молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш; активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;	учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш; пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) шартномасига асосан талаб қилиш ҳуқуқини олиш ёки бошқа шахсга бериш; қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш; аффинланган қимматбаҳо металлар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш; қимматбаҳо металлардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш; ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш; ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш; лизинг бериш; қонунчиликда назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш; молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш; активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

Старая редакция	Новая редакция
электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш; банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш; кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматларни рўйхатдан ўтказувчи орган билан электрон ахборот алмашиш орқали кўрсатиш. Банклар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.	электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш; банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш; кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматларни рўйхатдан ўтказувчи орган билан электрон ахборот алмашиш орқали кўрсатиш. **исломий молия операцияларини амалга ошириш.** Банклар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.
	5^1-модда. Банкнинг исломий молия операциялари **Банкнинг исломий молия операциялари жумласига қуйидагилар киради:** **фойдани тақсимлаш шарти асосида мижозни молиялаштириш ёки пул маблағларини инвестициявий омонатларга жалб этиш;** **вакиллик шартномаси орқали пул маблағларини бериш ёки инвестициявий омонатларга жалб этиш;** **товарни насияга сотиш оркали мижозни молиялаштириш;** **товарлар учун олдиндан молиялаштириш; хак тўлаш оркали мижозни**

Старая редакция	Новая редакция
	биргалждаги фаолиятни (шерикчилик) амалга ошириш ёки юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этиш оркали мижозни молиялаштириш; **мол-мулкни исломий ижарага бериш (сотиб олиш ҳуқуқи билан).** **Исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банклар умумкабул килинган халкаро банк амалиётига мувофик Ўзбекистон Республикаси конунчилигига зид бўлмаган бошка исломий молия операцияларини ҳам амалга ошириши мумкин.** **Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган исломий молия операциялари исломий молия стандартларига мувофик амалга оширилиши шарт**
	5^2-модда. Банк фаолиятини амалга ошириш **Ўзбекистон Республикасида банк фаолиятини амалга оширишга ушбу Қонунда белгиланган тартибда ташкил этилган ва Марказий банк томонидан бериладиган тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар ҳаклидир.** **Узбекистон Республикасида банк фаолияти банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия ва (ёки) исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар) деб юритилади) асосида амалга**

Старая редакция	Новая редакция
	оширилади. Мазкур лицензиялар амал килиш муддати чекланмаган холда берилади ва лицензияларни ёки уларга доир ҳукукларни бошқа шахсларга ўтказиш тақиқланади. **Ушбу Қонун 5-моддаси:** **биринчи қисмининг иккинчи йигирма иккинчи хатбошиларида кўрсатилган молиявий операциялар мажмуини факат банк фаолиятини амалга ошириш ҳукукини берувчи лицензияга эга бўлган банк;** **биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи, олтинчи ўн учинчи, ўн бешинчи йигирма учинчи хатбошиларида кўрсатилган молиявий операциялар мажмуини факат исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган банк;** **биринчи қисмида кўрсатилган молиявий операциялар мажмуини банк фаолиятига доир тегишли лицензияга (лицензияларга) эга бўлган банк амалга оширишга ҳақли.** **Банк фаолиятига доир тегишли лицензиясиз (лицензияларсиз) амалга ошириладиган банк фаолияти гайриконуний деб хисобланади ва жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай фаолият натижасида олинган даромад Узбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилади.** **Амалга оширилиши учун конунчиликка мувофик алохида лицензиялар, ёки рухсатномалар олиниши**

Старая редакция	Новая редакция
	талаб этиладиган фаолият банклар томонидан тегишли ҳужжатлар олинганидан кейин амалга оширилади.
6-модда. Омонат (депозит) Қуйидаги шартларнинг барчасига мувофиқ бўлган, қўйилган пул маблағлари омонатдир (депозитдир): мижознинг талабига биноан ёки муддат ўтганидан кейин фоизлар ёхуд бошқа даромадлар билан ёки уларсиз ёхуд омонатчи ёки унинг ваколатли вакили ва пул маблағларини қабул қилувчи банк ўртасида, келишилган шартлар асосида қайтарилиши лозим бўлган пул маблағлари; субординар қарзга, эгалик қилиш ҳуқуқларига ёки хизматларига, шу жумладан суғурта хизматларига тааллуқли бўлмаган пул маблағлари; пул маблағларини қабул қилувчи банкнинг тегишли ҳужжати билан ёзма шаклда тасдиқланган пул маблағлари.	6-модда. Омонат (депозит) Қуйидаги шартларнинг барчасига мувофиқ бўлган, қўйилган пул маблағлари омонатдир (депозитдир): мижознинг талабига биноан ёки муддат ўтганидан кейин фоизлар ёхуд бошқа даромадлар билан ёки уларсиз ёхуд омонатчи ёки унинг ваколатли вакили ва пул маблағларини қабул қилувчи банк ўртасида, келишилган шартлар асосида қайтарилиши лозим бўлган пул маблағлари **буидан исломий молия стандартларига мувофиқ омонат (депозит) суммасини тўлиқ кайтариш мажбуриятини назарда тутмаган ҳолда ушбу Қонун 5-1-моддаси биринчи кисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган молия операциялари асосида жалб этилган пул маблағлари (инвестициявий омонатлар (депозитлар) мустасно**; субординар қарзга, эгалик қилиш ҳуқуқларига ёки хизматларига, шу жумладан суғурта хизматларига тааллуқли бўлмаган пул маблағлари; пул маблағларини қабул қилувчи банкнинг тегишли ҳужжати билан ёзма шаклда тасдиқланган пул маблағлари.

Старая редакция	Новая редакция
Пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш бўйича фаолият билан шуғулланишга фақат банклар ҳақли.	Пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш бўйича фаолият билан шуғулланишга фақат банклар ҳақли.
7-модда. Банклар учун тақиқланган ёки чекланган фаолият Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди: банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга; ўз активларини сотишга; чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга; суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга; банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.	7-модда. Банклар учун тақиқланган ёки чекланган фаолият Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди: банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга; ўз активларини сотишга; чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга; суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга; банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

Старая редакция	Новая редакция
	Ушбу модданинг биринчи кисмидаги бевосита савдо фаолиятиниамалга оширишга оид ҳамда тўртинчи қисмидаги юридик шахсларни ташкил этишга ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав ка питалларидаги) улушларни ёки акцияларни олишга оид чекловлар, агар бундай фаолият ва операциялар исломий молия операциялари сифатида амалга оширилса, исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкларга нисбатан татбиқ этилмайди.
Микромолия банклари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган чекловлардан ташқари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади: бир жисмоний шахсдан омонатга жалб қилинган пул маблағлари миқдори банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган кафолатланган омонат миқдоридан ошмаслигини; бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори беш миллиард сўмдан ошмаслигини; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромад олишга йўналтирилган фаолияти учун берилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши етмиш фоизидан кам бўлмаслигини;	Микромолия банклари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган чекловлардан ташқари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади: бир жисмоний шахсдан омонатга жалб қилинган пул маблағлари миқдори банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган кафолатланган омонат миқдоридан ошмаслигини; бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори беш миллиард сўмдан ошмаслигини; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромад олишга йўналтирилган фаолияти учун берилган кредитларнинг кредит портфелидаги **ва (ёки) кўрсатилган исломий**

Старая редакция	Новая редакция
	молия операцияларининг молиялаштириш портфелидаги улуши етмиш фоизидан кам бўлмаслигини;
чет эл банкларида вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа ҳисобварақлар очиш, чет эл фуқароларининг ва юридик шахсларининг мажбуриятлари бўйича кафолатлар бериш ҳамда мижозларнинг ташқи савдо операциялари бўйича хизматлар кўрсатиш тақиқланганлигини;	чет эл банкларида вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа ҳисобварақлар очиш, чет эл фуқароларининг ва юридик шахсларининг мажбуриятлари бўйича кафолатлар бериш ҳамда мижозларнинг ташқи савдо операциялари бўйича хизматлар кўрсатиш тақиқланганлигини;
қарз қимматли қоғозларига инвестициялар банкларнинг ликвидлилигини бошқаришга доир талаблар доирасида фақат Марказий банк томонидан белгиланган юқори ликвидли қарз қимматли қоғозларига қилинишини.	қарз қимматли қоғозларига инвестициялар банкларнинг ликвидлилигини бошқаришга доир талаблар доирасида фақат Марказий банк томонидан белгиланган юқори ликвидли қарз қимматли қоғозларига қилинишини.
Банкларга юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуйидагилар мустасно:	Банкларга юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуйидагилар мустасно:
кредит, суғурта, факторинг ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;	кредит, суғурта, факторинг ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;
молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;	молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;
қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;	қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;
банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шуъба ташкилотлари;	банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шуъба ташкилотлари;

Старая редакция	Новая редакция
фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар; банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар; фонд ва валюта биржалари; кредит бюролари; қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари. Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ банк томонидан бир юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини олиш банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу чеклов банк томонидан мазкур юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилишга, шу жумладан мазкур юридик шахсларнинг ташкил этилиши ҳолларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.	фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар; банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар; фонд ва валюта биржалари; кредит бюролари; қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари. Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ банк томонидан бир юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини олиш банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу чеклов банк томонидан мазкур юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилишга, шу жумладан мазкур юридик шахсларнинг ташкил этилиши ҳолларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

Старая редакция	Новая редакция
Агар банк томонидан юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилиш ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу ортган қисмни банк бир йил ичида сотиши шарт. Банкка ушбу банк устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш тақиқланади. Ушбу модданинг талаблари банклар томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка тегишли юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни улар томонидан қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга оширилаётганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.	Агар банк томонидан юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилиш ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу ортган қисмни банк бир йил ичида сотиши шарт. Банкка ушбу банк устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш тақиқланади. Ушбу модданинг талаблари банклар томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка тегишли юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни улар томонидан қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга оширилаётганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.
11-модда. Банкнинг номи «Банк» атамасидан ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларидан фақат Банкларнинг давлат реестрига киритилган юридик шахслар томонидан фирма номида ёхуд товар белгисида (хизмат кўрсатиш белгисида) ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғининг «UZ» домен зонасида фойдаланилади. Банк фаолиятини **амалга ошириш ҳуқуқини берувчи** лицензияга эга бўлган юридик шахслар «банк»	11-модда. Банкнинг номи «Банк» атамасидан ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларидан фақат Банкларнинг давлат реестрига киритилган юридик шахслар томонидан фирма номида ёхуд товар белгисида (хизмат кўрсатиш белгисида) ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғининг «UZ» домен зонасида фойдаланилади. Банк фаолиятига **доир тегишли лицензияга (лицензияларга)** эга бўлган юридик шахслар «банк» ёки

Старая редакция	Новая редакция
ёки «микромолия банки» атамасини ўзининг фирма номига қўшиши шарт.	«микромолия банки» атамасини ўзининг фирма номига қўшиши шарт. **Исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган банклар ўзининг фирма номида ёхуд хизмат кўрсатиш белгисида «исломий» атамасидан ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, бундан бир вактнинг ўзида исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ва банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган банклар мустасно.** **Банк фаолиятига доир тегишли лицензияга (лицензияларга) эга бўлмаган юридик шахслар ўзининг фирма номида ёхуд хизмат кўрсатиш белгисида «банк» атамасидан ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларидан, шу жумладан исломий банк фаолиятини амалга оширишни англатувчи сўздан, сўз бирикмаларидан фойдаланишга ҳакли эмас.**
14-модда. Банкнинг устави ва ички низомлари Банк ўз устави асосида фаолият кўрсатади. Банк уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак: банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда электрон почта манзили; устав капиталининг миқдори;	14-модда. Банкнинг устави ва ички низомлари Банк ўз устави асосида фаолият кўрсатади. Банк уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак: банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда электрон почта манзили; устав капиталининг миқдори;

Старая редакция	Новая редакция
устав капиталини кўпайтириш ва камайтириш тартиби; чиқарилаётган акцияларнинг турлари ва сони, акциялар турларининг нисбати; соф фойдани тақсимлаш, шунингдек зарарларнинг ўрнини қоплаш тартиби; захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби; банк акциядорларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан ушбу Қонун талабларига мувофиқликни таъминлаш учун банк томонидан сўраб олинадиган ахборотни тақдим этиш мажбуриятлари; банкнинг бошқарув органлари тузилмаси, уларни ташкил этиш тартиби, банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларининг сони, ваколатлари ва вазифалари ҳақидаги маълумотлар; акциядорлар (муассислар) ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари; банк томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари; банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби. Банкнинг уставида ушбу моддада белгиланган талаблардан ташқари акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.	устав капиталини кўпайтириш ва камайтириш тартиби; чиқарилаётган акцияларнинг турлари ва сони, акциялар турларининг нисбати; соф фойдани тақсимлаш, шунингдек зарарларнинг ўрнини қоплаш тартиби; захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби; банк акциядорларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан ушбу Қонун талабларига мувофиқликни таъминлаш учун банк томонидан сўраб олинадиган ахборотни тақдим этиш мажбуриятлари; банкнинг бошқарув органлари тузилмаси, уларни ташкил этиш тартиби, банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларининг сони, ваколатлари ва вазифалари ҳақидаги маълумотлар; акциядорлар (муассислар) ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари; банк томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари; банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби. Банкнинг уставида ушбу моддада белгиланган талаблардан ташқари акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Старая редакция	Новая редакция
	Исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкнинг уставида ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилганидан ташқари қуйидагилар қўшимча равишда кўрсатилиши керак: **исломий молия операцияларини амалга ошириш;** **исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкнинг исломий молия масалаларини мувофиклаштирувчи исломий молия кенгаши (бундан буён матнда банкнинг исломий молия кенгаши деб юритилади) аъзоларининг сони, уларнинг ваколатлари ва вазифалари;** **банкнинг исломий молия кенгашини ташкил этиш тартиби ва унинг аъзоларига нисбатан қўйиладиган талаблар.**
Банкнинг устави, унга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Марказий банкда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Банкнинг ички қоидалари, шунингдек уларга киритиладиган кейинги ўзгартиш ҳамда қўшимчалар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилиши ҳамда Марказий банкка тақдим этилиши керак.	Банкнинг устави, унга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Марказий банкда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Банкнинг ички қоидалари, шунингдек уларга киритиладиган кейинги ўзгартиш ҳамда қўшимчалар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилиши ҳамда Марказий банкка тақдим этилиши керак.
15-модда. Банкни ташкил этиш Банклар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади.	15-модда. Банкни ташкил этиш Банклар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади.

Старая редакция	Новая редакция
Банк таъсис этиш ёки қайта ташкил этиш ёхуд микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этилади.	Банк таъсис этиш ёки қайта ташкил этиш ёхуд микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этилади.
Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган, банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) асосида амалга оширади.	
Лицензия унинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.	Лицензия унинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.
Лицензияни ёки унга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тақиқланади.	
Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти ғайриқонуний деб ҳисобланади ва жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай фаолият натижасида олинган даромад Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилади.	
Банкларни лицензиялаш тартиб-таомили қуйидаги икки босқичдан иборат:	Банкларни лицензиялаш тартиб-таомили қуйидаги икки босқичдан иборат:
Марказий банк томонидан банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш;	Марказий банк томонидан банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш;
бир вақтнинг ўзида лицензия берган ҳолда банкни давлат рўйхатидан ўтказиш.	бир вақтнинг ўзида лицензия берган ҳолда банкни давлат рўйхатидан ўтказиш.
Амалга оширилиши учун қонунчиликка мувофиқ алоҳида лицензиялар ёки рухсатномалар олиниши талаб этиладиган фаолият банклар томонидан тегишли ҳужжатлар олинганидан кейин амалга оширилади.	Амалга оширилиши учун қонунчиликка мувофиқ алоҳида лицензиялар ёки рухсатномалар олиниши талаб этиладиган фаолият банклар томонидан тегишли ҳужжатлар олинганидан кейин амалга оширилади.

Старая редакция	Новая редакция
Оралиқ банкнинг ташкил этилиши ва фаолиятни амалга оширишининг ўзига хос хусусиятлари «Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.	Оралиқ банкнинг ташкил этилиши ва фаолиятни амалга оширишининг ўзига хос хусусиятлари «Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади
16-модда. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи банк ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади, бундан банкни микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этиш мустасно: банк икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан ташкил этилганда таъсис шартномасини; икки нусхадаги банк уставини; банкни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни; муассислар (акциядорлар) рўйхатини; ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган ҳар бир бевосита ва билвосита муассис (эгалик қилувчи), шу жумладан охирги бенефициар мулкдор тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни; ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган шахслар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг устав капиталида энг кўп улушларга эга бўлган, умумий улуши камида эллик фоизни	16-модда. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи банк ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади, бундан банкни микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этиш мустасно: банк икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан ташкил этилганда таъсис шартномасини; икки нусхадаги банк уставини; банкни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни; муассислар (акциядорлар) рўйхатини; ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган ҳар бир бевосита ва билвосита муассис (эгалик қилувчи), шу жумладан охирги бенефициар мулкдор тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни; ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган шахслар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг устав капиталида энг кўп улушларга эга бўлган, умумий улуши камида эллик фоизни

Старая редакция	Новая редакция
хатбошиларида кўрсатилган асосларнинг юзага келишига олиб келадиган ҳоллар Марказий банк томонидан аниқланганлиги; омонатчилар ва кредиторлар томонидан банкка ишониб топширилган пул маблағларининг бут сақланишига хавф солувчи ҳолатларнинг мавжудлиги. Банк бошқаруви банкнинг тўловга лаёқатсизлик ҳолати юзага келган ёки мижозлар томонидан талаб этилган даъволарни қаноатлантира олмасликка оид таваккалчилик мавжуд бўлган ҳолларда дарҳол Марказий банкка хабар бериши керак. Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Марказий банк бошқарувининг қарори ушбу қарор қабул қилинган куни банк раҳбариятига имзо қўйдириб топширилади. Банкнинг лицензияси чақириб олинганлиги тўғрисидаги ахборот мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичида оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим. Банкка Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан ушбу Қонунга мувофиқ банклар учун рухсат этилган фаолиятни амалга ошириш тақиқланади, бундан банкнинг тугатилиши билан боғлиқ ҳаракатлар мустасно.	хатбошиларида кўрсатилган асосларнинг юзага келишига олиб келадиган ҳоллар Марказий банк томонидан аниқланганлиги; омонатчилар ва кредиторлар томонидан банкка ишониб топширилган пул маблағларининг бут сақланишига хавф солувчи ҳолатларнинг мавжудлиги. Банк бошқаруви банкнинг тўловга лаёқатсизлик ҳолати юзага келган ёки мижозлар томонидан талаб этилган даъволарни қаноатлантира олмасликка оид таваккалчилик мавжуд бўлган ҳолларда дарҳол Марказий банкка хабар бериши керак. Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Марказий банк бошқарувининг қарори ушбу қарор қабул қилинган куни банк раҳбариятига имзо қўйдириб топширилади. Банкнинг лицензияси чақириб олинганлиги тўғрисидаги ахборот мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичида оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим. Банкка Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан ушбу Қонунга мувофиқ банклар учун рухсат этилган фаолиятни амалга ошириш тақиқланади, бундан банкнинг тугатилиши билан боғлиқ ҳаракатлар мустасно.

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ ТЎҒРИСИДА	
8-модда. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва кредит бюроси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва кредит бюроси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган ҳолда ариза берилиб, унга қуйидагилар илова қилинади: муассислар умумий йиғилишининг кредит бюросини ташкил этиш тўғрисидаги баённомаси ёки ягона муассиснинг кредит бюросини ташкил этиш ҳақидаги қарори; кредит бюросининг таъсис ҳужжатлари; кредит бюросининг раҳбари ва муассислари (муассиси) ҳақидаги маълумотлар; кредит ахборотини рухсат этилмаган ҳолда унга киришдан, йўқ қилиб юборишдан, ўзгартиришдан, ундан фойдаланишдан ёки уни ошкор этишдан ҳимоя қилишни таъминловчи дастурий-техникавий комплекснинг параметрлари ва жойлашуви Ўзбекистон Республикаси	8-модда. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва кредит бюроси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва кредит бюроси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади. Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган ҳолда ариза берилиб, унга қуйидагилар илова қилинади: муассислар умумий йиғилишининг кредит бюросини ташкил этиш тўғрисидаги баённомаси ёки ягона муассиснинг кредит бюросини ташкил этиш ҳақидаги қарори; кредит бюросининг таъсис ҳужжатлари; кредит бюросининг раҳбари ва муассислари (муассиси) ҳақидаги маълумотлар; кредит ахборотини рухсат этилмаган ҳолда унга киришдан, йўқ қилиб юборишдан, ўзгартиришдан, ундан фойдаланишдан ёки уни ошкор этишдан ҳимоя қилишни таъминловчи дастурий-техникавий комплекснинг параметрлари ва жойлашуви Ўзбекистон Республикаси

Старая редакция	Новая редакция
Марказий банки томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;	Марказий банки томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
	кредит бюроси биносида ногиронлиги бўлган шахслар учун шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ қулай шарт-шароитлар яратилганлиги бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг хулосаси
кредит бюросининг устав фонди (устав капитали) шакллантирилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати.	кредит бюросининг устав фонди (устав капитали) шакллантирилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади ва лицензия беради.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади ва лицензия беради.
Кредит бюросининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар қонунчиликда назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилиши керак.	Кредит бюросининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар қонунчиликда назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилиши керак.
Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божининг миқдори қонунда белгиланади. Кредит бюросига лицензия берганлик учун давлат божи ундирилмайди.	Кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божининг миқдори қонунда белгиланади. Кредит бюросига лицензия берганлик учун давлат божи ундирилмайди.
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси	
18-модда. Махсус солиқ режимлари	18-модда. Махсус солиқ режимлари

Старая редакция	Новая редакция
Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги махсус солиқ режимлари белгиланади: 1) айланмадан олинадиган солиқ; 2) маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиларига солиқ солишнинг алоҳида тартиби; 3) махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига ва айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби; 4) Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудларида солиқ солишнинг алоҳида тартиби. Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига ва айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби қонунчиликда ёки инвестиция битимларида назарда тутилган инвестицияларни амалга ошириш ҳамда бошқа шартларни бажариш билан боғлиқ ҳолда муайян муддат учун белгиланади. Махсус солиқ режимлари айрим солиқларни тўлашдан озод этишни, пасайтирилган солиқ ставкаларини ва бошқа солиқ имтиёзларини қўллашни назарда тутиши мумкин.	Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги махсус солиқ режимлари белгиланади: 1) айланмадан олинадиган солиқ; 2) маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиларига солиқ солишнинг алоҳида тартиби; 3) махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига ва айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби; 4) Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудларида солиқ солишнинг алоҳида тартиби. **5) исломий молия операцияларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари.** Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига ва айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби қонунчиликда ёки инвестиция битимларида назарда тутилган инвестицияларни амалга ошириш ҳамда бошқа шартларни бажариш билан боғлиқ ҳолда муайян муддат учун белгиланади. Махсус солиқ режимлари айрим солиқларни тўлашдан озод этишни, пасайтирилган солиқ ставкаларини ва бошқа солиқ имтиёзларини қўллашни назарда тутиши мумкин.
41-модда. Дивидендлар ва фоизлар Қуйидагилар дивидендлар деб эътироф этилади:	41-модда. Дивидендлар ва фоизлар Қуйидагилар дивидендлар деб эътироф этилади:

Старая редакция	Новая редакция
1) юридик шахснинг фойдасини (шу жумладан имтиёзли акциялар бўйича фоизлар тарзидаги фойдасини) ушбу юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) тегишли акциялар (улушлар) бўйича тақсимлаш чоғида акциядор (иштирокчи) томонидан олинган ҳар қандай даромад;	1) юридик шахснинг фойдасини (шу жумладан имтиёзли акциялар бўйича фоизлар тарзидаги фойдасини) ушбу юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) тегишли акциялар (улушлар) бўйича тақсимлаш чоғида акциядор (иштирокчи) томонидан олинган ҳар қандай даромад;
2) тугатиш чоғида юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) ушбу акциядорнинг (иштирокчининг) шу юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдоридан кўп бўлган қисми бўйича пул ёки натура шаклидаги тўловлар;	2) тугатиш чоғида юридик шахснинг акциядорига (иштирокчисига) ушбу акциядорнинг (иштирокчининг) шу юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдоридан кўп бўлган қисми бўйича пул ёки натура шаклидаги тўловлар;
3) жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улуши қисмининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини ушбу акциядорнинг (иштирокчининг) шу юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдоридан кўп бўлмаган қисми бўйича тўлаш;	3) жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улуши қисмининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охирги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини ушбу акциядорнинг (иштирокчининг) шу юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдоридан кўп бўлмаган қисми бўйича тўлаш;
4) ушбу юридик шахснинг ўз капитали (мол-мулки) ҳисобига устав фонди (устав капитали) ошган тақдирда юридик шахс акциядорининг (иштирокчисининг) қўшимча акциялар қиймати (улуш номинал қийматининг ошиши) тарзида олинган даромадлари.	4) ушбу юридик шахснинг ўз капитали (мол-мулки) ҳисобига устав фонди (устав капитали) ошган тақдирда юридик шахс акциядорининг (иштирокчисининг) қўшимча акциялар қиймати (улуш номинал қийматининг ошиши) тарзида олинган даромадлари.
Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган даромадлар, башарти улар акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) бундай даромадни тўловчи юридик	Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган даромадлар, башарти улар акциядорларнинг (иштирокчиларнинг) бундай даромадни тўловчи юридик

Старая редакция	Новая редакция
шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тўланса, дивидендлар деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан олинадиган, чет давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ дивидендлар жумласига киритиладиган ҳар қандай даромадлар ҳам дивидендлар деб эътироф этилади. Ушбу Кодекснинг мақсадлари учун хусусий корхона мулкдорига, оилавий корхона иштирокчисига ёки фермер хўжалиги бошлиғига бундай юридик шахслар тасарруфида қолган фойда суммасидан тўланадиган даромадлар дивидендларга тенглаштирилади. Илгари билдирилган (белгиланган) ҳар қандай даромад, шу жумладан ҳар қандай турдаги қарз мажбуриятлари бўйича дисконт тарзида олинган даромад (уни расмийлаштириш усулидан қатъи назар), шу жумладан пул омонатлари бўйича олинган даромад фоизлар деб эътироф этилади.	шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тўланса, дивидендлар деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан олинадиган, чет давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ дивидендлар жумласига киритиладиган ҳар қандай даромадлар ҳам дивидендлар деб эътироф этилади. Ушбу Кодекснинг мақсадлари учун хусусий корхона мулкдорига, оилавий корхона иштирокчисига ёки фермер хўжалиги бошлиғига **шунингдек банк ва микромолия ташкилотларидаги исломий қимматли қоғозларга (сертификатларга) эга бўлган шахсларга** бундай юридик шахслар тасарруфида қолган фойда суммасидан тўланадиган даромадлар дивидендларга тенглаштирилади. Илгари билдирилган (белгиланган) ҳар қандай даромад, шу жумладан ҳар қандай турдаги қарз мажбуриятлари бўйича дисконт тарзида олинган даромад (уни расмийлаштириш усулидан қатъи назар) **исломий молия фаолиятидан олинган даромад,** шу жумладан пул омонатлари бўйича олинган даромад фоизлар деб эътироф этилади.
49-модда. Қимматли қоғозлар Қимматли қоғозлар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайдиган,	49-модда. Қимматли қоғозлар Қимматли қоғозлар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайдиган,

Старая редакция	Новая редакция
дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутадиган ҳужжатлардир. Қимматли қоғозларга акциялар, облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари, депозитар тилхатлар, опционлар, фьючерс ва форвард контрактлари киради, шунингдек қонунчиликка ёки чет давлатнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозлар деб эътироф этиладиган бошқа қимматли қоғозлар киради. Қимматли қоғозларни эмиссиявий қимматли қоғозлар жумласига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки чет давлатларнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонунчилиги билан белгиланади. Агар қимматли қоғозлар билан бажариладиган операция муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар мезонларига мувофиқ бўлса, солиқ тўловчи уни мустақил равишда солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар билан бажариладиган операциялар жумласига ёки муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар жумласига киритишга ҳақли. Солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя этилган тақдирда қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида	дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутадиган ҳужжатлардир. Қимматли қоғозларга акциялар, облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари, депозитар тилхатлар, опционлар, фьючерс ва форвард контрактлари **ҳамда исломий қимматли қоғозлар (сертификатлар)** киради, шунингдек қонунчиликка ёки чет давлатнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозлар деб эътироф этиладиган бошқа қимматли қоғозлар киради. Қимматли қоғозларни эмиссиявий қимматли қоғозлар жумласига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки чет давлатларнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонунчилиги билан белгиланади. Агар қимматли қоғозлар билан бажариладиган операция муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар мезонларига мувофиқ бўлса, солиқ тўловчи уни мустақил равишда солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар билан бажариладиган операциялар жумласига ёки муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар жумласига киритишга ҳақли. Солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя этилган

Старая редакция	Новая редакция
муомалада бўлаётган қимматли қоғозлар (муомаладаги қимматли қоғозлар) деб эътироф этилади: улар қимматли қоғозлар савдоларининг ҳеч бўлмаганда битта ташкилотчиси томонидан муомалага киритилган бўлса; уларнинг нархлари (котировкалари) тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинса ёхуд савдоларнинг ташкилотчиси ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ҳар қандай манфаатдор шахсга қимматли қоғозларга доир операциялар амалга оширилган санадан эътиборан уч йил ичида берилиши мумкин бўлса; солиқ тўловчи бу қимматли қоғозларга доир битимни тузган санадан эътиборан ўтган кетма-кет уч ой ичида улар бўйича ҳеч бўлмаганда бир марта бозор котировкаси ҳисоблаб чиқарилган бўлса (бундан қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштириш чоғидаги бозор котировкасининг ҳисоб-китоби мустасно).	тақдирда қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлаётган қимматли қоғозлар (муомаладаги қимматли қоғозлар) деб эътироф этилади: улар қимматли қоғозлар савдоларининг ҳеч бўлмаганда битта ташкилотчиси томонидан муомалага киритилган бўлса; уларнинг нархлари (котировкалари) тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинса ёхуд савдоларнинг ташкилотчиси ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ҳар қандай манфаатдор шахсга қимматли қоғозларга доир операциялар амалга оширилган санадан эътиборан уч йил ичида берилиши мумкин бўлса; солиқ тўловчи бу қимматли қоғозларга доир битимни тузган санадан эътиборан ўтган кетма-кет уч ой ичида улар бўйича ҳеч бўлмаганда бир марта бозор котировкаси ҳисоблаб чиқарилган бўлса (бундан қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштириш чоғидаги бозор котировкасининг ҳисоб-китоби мустасно).
54-модда. Молиявий ижара ва лизинг Ушбу Кодекс мақсадида шартнома бўйича мол-мулкни (молиявий ижара объектини) ўн икки ойдан кўп муддатга эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш чоғида юзага келадиган ижара муносабатлари молиявий ижара деб эътироф этилади. Молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан ҳеч бўлмаганда биттасига жавоб бериши керак:	54-модда. Молиявий ижара ва лизинг Ушбу Кодекс мақсадида шартнома бўйича мол-мулкни (молиявий ижара объектини) ўн икки ойдан кўп муддатга эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш чоғида юзага келадиган ижара муносабатлари молиявий ижара деб эътироф этилади. Молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан ҳеч бўлмаганда биттасига жавоб бериши керак:

Старая редакция	Новая редакция
1) молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарачининг мулкига ўтказилса;	1) молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарачининг мулкига ўтказилса;
2) молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат қилиш муддатининг 80 фоизидан ошса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг камида 20 фоизини ташкил этса;	2) молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат қилиш муддатининг 80 фоизидан ошса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг камида 20 фоизини ташкил этса;
3) молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарачи молиявий ижара объектини молиявий ижара шартномасида белгиланадиган қатъий нарх бўйича ҳақини тўлаб олиш ҳуқуқига эга бўлса;	3) молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарачи молиявий ижара объектини молиявий ижара шартномасида белгиланадиган қатъий нарх бўйича ҳақини тўлаб олиш ҳуқуқига эга бўлса;
	3[1]) исломий молия фаолияти доирасида банклар ва микромолия ташкилотлари билан исломий молия стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ижара (исломий ижара) шартномасининг муддати тугагач, ижарачи молиявий ижара объектини мулк ҳуқуқини ўтказиш бўйича алоҳида шартнома ва унда белгиланадиган шартлар асосида қабул қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлса
4) молиявий ижара шартномасининг амал қилиш даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати объектнинг уни молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади.	4) молиявий ижара шартномасининг амал қилиш даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати объектнинг уни молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади.

Старая редакция	Новая редакция
Ушбу Кодекс мақсадида молиявий ижаранинг алоҳида тури лизинг деб эътироф этилиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига кўра учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномаси бўйича шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) олади ҳамда уни ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ бўлган шартнома бўйича эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ҳақ эвазига беради. Ушбу Кодекс мақсади учун молиявий ижара (лизинг) шартномасининг тарафи бўлган ижарачига (лизинг олувчига) молиявий ижара (лизинг) предметининг харидори сифатида қаралади.	Ушбу Кодекс мақсадида молиявий ижаранинг алоҳида тури лизинг деб эътироф этилиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига кўра учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномаси бўйича шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) олади ҳамда уни ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ бўлган шартнома бўйича эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ҳақ эвазига беради. Ушбу Кодекс мақсади учун молиявий ижара (лизинг) шартномасининг тарафи бўлган ижарачига (лизинг олувчига) молиявий ижара (лизинг) предметининг харидори сифатида қаралади. **Солиқ солиш мақсадида исломий молия фаолияти доирасида банклар ва микромолия ташкилотлари томонидан исломий молия стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ижара (исломий ижара) шартномаларига ҳам молиявий ижара ва лизинг шартномалари сифатида қаралади ҳамда уларга нисбатан ушбу Кодекс қоидалари қўлланилади.**
60-модда. Ушбу Кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар Ушбу Кодекс мақсадида қуйидаги тушунчалардан ҳам фойдаланилади:	60-модда. Ушбу Кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар Ушбу Кодекс мақсадида қуйидаги тушунчалардан ҳам фойдаланилади:

Старая редакция	Новая редакция
асосий фаолият тури — юридик шахснинг ҳисобот даври якунлари бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги соф тушум улуши устунлик қиладиган фаолият тури; жисмоний шахснинг яқин қариндошлари — унинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-укалари ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболари, бувилари, неваралари, шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси; ижара (лизинг) тўлови — ижарага берувчига (лизинг берувчига) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарачи (лизинг олувчи) томонидан тўланадиган сумма; ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоиздан олинадиган даромади — молиявий ижара (лизинг) объектининг ижара (лизинг) тўлови суммаси ва қиймати ўртасидаги фарқ; назорат-касса техникаси — фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машиналари, фискал тўплагичлардаги фискал маълумотлар ёзиб олиниши ва сақланишини таъминловчи, фискал ҳужжатларни шакллантирувчи ҳамда уларнинг солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали топширилишини, шунингдек фискал ҳужжатлар назорат-касса техникасини қўллаш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда чоп этилишини таъминловчи бошқа қурилмалар ҳамда дастурий-техник мажмуалар;	асосий фаолият тури — юридик шахснинг ҳисобот даври якунлари бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги соф тушум улуши устунлик қиладиган фаолият тури; жисмоний шахснинг яқин қариндошлари — унинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-укалари ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболари, бувилари, неваралари, шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси; ижара (лизинг) тўлови — ижарага берувчига (лизинг берувчига) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарачи (лизинг олувчи) томонидан тўланадиган сумма; ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоиздан олинадиган даромади — молиявий ижара (лизинг) объектининг ижара (лизинг) тўлови суммаси ва қиймати ўртасидаги фарқ; назорат-касса техникаси — фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машиналари, фискал тўплагичлардаги фискал маълумотлар ёзиб олиниши ва сақланишини таъминловчи, фискал ҳужжатларни шакллантирувчи ҳамда уларнинг солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали топширилишини, шунингдек фискал ҳужжатлар назорат-касса техникасини қўллаш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда чоп этилишини таъминловчи бошқа қурилмалар ҳамда дастурий-техник мажмуалар;

Старая редакция	Новая редакция
ортиқча тўланган солиқ суммаси (пеня, жарима) — солиқнинг (пенянинг, жариманинг) тўланган суммаси билан ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ. Солиқнинг (пенянинг, жариманинг) ортиқча тўланган суммаси у илгари ҳисобга олинган ва (ёки) солиқ тўловчига қайтарилган суммаларни, шунингдек солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиладиган суммаларни ҳисобга олган ҳолда уни ҳисоб-китоб қилиш санасида аниқланади;	ортиқча тўланган солиқ суммаси (пеня, жарима) — солиқнинг (пенянинг, жариманинг) тўланган суммаси билан ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ. Солиқнинг (пенянинг, жариманинг) ортиқча тўланган суммаси у илгари ҳисобга олинган ва (ёки) солиқ тўловчига қайтарилган суммаларни, шунингдек солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиладиган суммаларни ҳисобга олган ҳолда уни ҳисоб-китоб қилиш санасида аниқланади;
ортиқча ундирилган солиқ суммаси — солиқ органларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасида ортиқча тўланган солиқ суммаси;	ортиқча ундирилган солиқ суммаси — солиқ органларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасида ортиқча тўланган солиқ суммаси;
тан олинган солиқ қарзи — солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома берилган санадан бошлаб ўн календарь кун ичида солиқ тўловчи томонидан эътироз билдирилмаган қарз ёки суд қарори билан тасдиқланган қарз;	тан олинган солиқ қарзи — солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома берилган санадан бошлаб ўн календарь кун ичида солиқ тўловчи томонидан эътироз билдирилмаган қарз ёки суд қарори билан тасдиқланган қарз;
хатолик билан тўланган солиқ (пеня, жарима) суммаси — солиқ (пеня, жарима) суммасини тўлаган шахсни ва (ёки) ушбу тўловнинг мақсадини қатъий аниқлаш имкониятини бермайдиган тўлов чоғида хатоликка йўл қўйилган солиқ (пеня, жарима) суммаси. Қайси солиққа (пеняга, жаримага) нисбатан уни тўлаган шахс солиқ тўловчи деб ҳисобланмайдиган шахсдан ёки тўланиши лозим бўлган бюджетдан бошқа бюджетга келиб тушган солиқ (пеня, жарима) суммаси ҳам хатолик билан тўланган деб эътироф этилади;	хатолик билан тўланган солиқ (пеня, жарима) суммаси — солиқ (пеня, жарима) суммасини тўлаган шахсни ва (ёки) ушбу тўловнинг мақсадини қатъий аниқлаш имкониятини бермайдиган тўлов чоғида хатоликка йўл қўйилган солиқ (пеня, жарима) суммаси. Қайси солиққа (пеняга, жаримага) нисбатан уни тўлаган шахс солиқ тўловчи деб ҳисобланмайдиган шахсдан ёки тўланиши лозим бўлган бюджетдан бошқа бюджетга келиб тушган солиқ (пеня, жарима) суммаси ҳам хатолик билан тўланган деб эътироф этилади;

Старая редакция	Новая редакция
умидсиз қарз — суд қарори билан мажбурият бекор қилинганлиги туфайли ёхуд қарздор банкрот деб топилганлиги, тугатилганлиги, вафот этганлиги ёки даъво муддати тугаганлиги оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган қарз, шунингдек Мажбуриятлар реестрига киритилган санадан эътиборан ўн йил ичида тўланмаган қарз; Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини аниқлашни ва рағбатлантиришни назарда тутувчи рейтинг.	умидсиз қарз — суд қарори билан мажбурият бекор қилинганлиги туфайли ёхуд қарздор банкрот деб топилганлиги, тугатилганлиги, вафот этганлиги ёки даъво муддати тугаганлиги оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган қарз, шунингдек Мажбуриятлар реестрига киритилган санадан эътиборан ўн йил ичида тўланмаган қарз; Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини аниқлашни ва рағбатлантиришни назарда тутувчи рейтинг. **исломий молия фаолияти — қонунчиликда белгиланган тартибда, исломий молия стандартлари асосида банклар ва микромолия ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган фаолият;** **исломий молия операциялари — қонунчиликка мувофиқ исломий молия стандартлари асосида банклар ва микромолия ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган операциялар**
77-модда. Солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсати Солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда белгиланади. Бунда ҳисоб сиёсати ихтиёрий шаклда тасдиқланади ва унда қуйидагилар акс эттирилиши керак:	77-модда. Солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсати Солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда белгиланади. Бунда ҳисоб сиёсати ихтиёрий шаклда тасдиқланади ва унда қуйидагилар акс эттирилиши керак:

Старая редакция	Новая редакция
1) агар солиқ тўғрисидаги қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи ёки солиқ агенти томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган солиқ регистрларининг шакли ва уларни тузиш тартиби;	1) агар солиқ тўғрисидаги қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи ёки солиқ агенти томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган солиқ регистрларининг шакли ва уларни тузиш тартиби;
2) унга риоя этилиши устидан масъул мансабдор шахслар;	2) унга риоя этилиши устидан масъул мансабдор шахслар;
3) солиқ солиш мақсадларида алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш тартиби, агар бундай ҳисоб юритиш мажбурияти ушбу Кодексда назарда тутилган бўлса;	3) солиқ солиш мақсадларида алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш тартиби, агар бундай ҳисоб юритиш мажбурияти ушбу Кодексда назарда тутилган бўлса;
4) солиқ тўловчи томонидан фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадида сарфларни харажатлар сирасига киритиш, шунингдек қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишнинг танланган усуллари;	4) солиқ тўловчи томонидан фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадида сарфларни харажатлар сирасига киритиш, шунингдек қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишнинг танланган усуллари;
5) хеджирланадиган таваккалчиликларни, хеджирланадиган моддаларни ва уларга нисбатан қўлланиладиган хеджирлаш воситаларини аниқлаш сиёсати, хеджирлаш операциялари, шунингдек бошқа молиявий таваккалчиликлар амалга оширилган тақдирда хеджирлаш самарадорлиги даражасини баҳолаш услубияти;	5) хеджирланадиган таваккалчиликларни, хеджирланадиган моддаларни ва уларга нисбатан қўлланиладиган хеджирлаш воситаларини аниқлаш сиёсати, хеджирлаш операциялари, шунингдек бошқа молиявий таваккалчиликлар амалга оширилган тақдирда хеджирлаш самарадорлиги даражасини баҳолаш услубияти;
6) активларнинг ҳар бир гуруҳи ва кичик гуруҳи бўйича амортизация нормалари (ҳисоблаш усуллари).	6) активларнинг ҳар бир гуруҳи ва кичик гуруҳи бўйича амортизация нормалари (ҳисоблаш усуллари).
Солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатини ўзгартириш ва (ёки) унга қўшимчалар киритиш солиқ тўловчи томонидан қуйидаги усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади:	Солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатини ўзгартириш ва (ёки) унга қўшимчалар киритиш солиқ тўловчи томонидан қуйидаги усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади:

Старая редакция	Новая редакция
1) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган янги ҳисоб сиёсатини ёки унинг янги бўлимини тасдиқлаш; 2) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган амалдаги ҳисоб сиёсатига ёки амалдаги ҳисоб сиёсатининг бўлимига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш.	1) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган янги ҳисоб сиёсатини ёки унинг янги бўлимини тасдиқлаш; 2) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган амалдаги ҳисоб сиёсатига ёки амалдаги ҳисоб сиёсатининг бўлимига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш. **7) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ исломий молия фаолиятидан ва исломий қимматли қоғозлардан олинган даромадларнинг алоҳида ҳисобини юритиш тартиби.**
Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадларида танланган ҳисоб юритиш усуллари тегишли ҳисоб сиёсати тасдиқланган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан қўлланилади. Янги ташкил этилган юридик шахс ёки чет эл юридик шахсининг доимий муассасаси солиқ солиш мақсадларида ҳисоб юритиш усуллари тўғрисидаги қарорни ўзи ташкил этилгандан кейинги биринчи ҳисобот даври давомида қабул қилади. Солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати календарь йил давомида ўзгартирилмайди. Солиқ тўғрисидаги қонунчиликка ёхуд солиқ солиш шартларига ўзгартириш киритилганда ва фақат ушбу ўзгартиришлар тааллуқли бўлган қисмида солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида ўзгартиришлар қилишга йўл қўйилади.	Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадларида танланган ҳисоб юритиш усуллари тегишли ҳисоб сиёсати тасдиқланган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан қўлланилади. Янги ташкил этилган юридик шахс ёки чет эл юридик шахсининг доимий муассасаси солиқ солиш мақсадларида ҳисоб юритиш усуллари тўғрисидаги қарорни ўзи ташкил этилгандан кейинги биринчи ҳисобот даври давомида қабул қилади. Солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсати календарь йил давомида ўзгартирилмайди. Солиқ тўғрисидаги қонунчиликка ёхуд солиқ солиш шартларига ўзгартириш киритилганда ва фақат ушбу ўзгартиришлар тааллуқли бўлган қисмида солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида ўзгартиришлар қилишга йўл қўйилади.

Старая редакция	Новая редакция
297-модда. Умумий қоидалар Жами даромад юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасидаги ва унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан ҳисобот (солиқ) даври мобайнида олинган даромадлардан иборатдир. Жами даромад, агар ушбу Кодекснинг 299-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини инобатга олмаган ҳолда аниқланади. Ушбу бўлим мақсадида жами даромадга (бундан буён ушбу бўлимда даромад деб юритилади) ҳар қандай шаклда ва (ёки) ҳар қандай фаолиятдан олиниши лозим бўлган даромадлар (бундан буён матнда олинган даромадлар деб юритилади), хусусан, қуйидаги даромадлар киради: 1) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад; 2) кредит (қарз, микрокредит ва бошқа молиявий операциялар) бўйича мукофот тарзидаги даромад; 3) суғурта, қайта суғурта ташкилотининг суғурта, қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича даромади; 5) қимматли қоғозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ушбу Кодекснинг 327 — 329-моддаларига мувофиқ олинган даромад;	297-модда. Умумий қоидалар Жами даромад юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасидаги ва унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан ҳисобот (солиқ) даври мобайнида олинган даромадлардан иборатдир. Жами даромад, агар ушбу Кодекснинг 299-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини инобатга олмаган ҳолда аниқланади. Ушбу бўлим мақсадида жами даромадга (бундан буён ушбу бўлимда даромад деб юритилади) ҳар қандай шаклда ва (ёки) ҳар қандай фаолиятдан олиниши лозим бўлган даромадлар (бундан буён матнда олинган даромадлар деб юритилади), хусусан, қуйидаги даромадлар киради: 1) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад; 2) кредит (қарз, микрокредит ва бошқа молиявий операциялар) бўйича мукофот тарзидаги даромад; 3) суғурта, қайта суғурта ташкилотининг суғурта, қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича даромади; 5) қимматли қоғозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ушбу Кодекснинг 327 — 329-моддаларига мувофиқ олинган даромад;

Старая редакция	Новая редакция
6) амортизация қилинадиган активларнинг ва бошқа мол-мулкнинг ушбу Кодекснинг 298-моддасига мувофиқ чиқиб кетишидан олинган даромад; 7) молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан мол-мулкни бериш бўйича пул мукофоти тарзидаги даромад; 8) мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно; 9) роялти; 10) ушбу Кодекснинг 299-моддасига мувофиқ текин олинган мол-мулк (олинган хизматлар); 11) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромад; 12) қонунчиликда белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад, бундан ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланмаган харажатларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар мустасно; 13) ушбу Кодекснинг 300-моддасига мувофиқ талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад; 14) ушбу Кодекснинг 301-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромад;	6) амортизация қилинадиган активларнинг ва бошқа мол-мулкнинг ушбу Кодекснинг 298-моддасига мувофиқ чиқиб кетишидан олинган даромад; 7) молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан мол-мулкни бериш бўйича пул мукофоти тарзидаги даромад; 8) мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно; 9) роялти; 10) ушбу Кодекснинг 299-моддасига мувофиқ текин олинган мол-мулк (олинган хизматлар); 11) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромад; 12) қонунчиликда белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад, бундан ушбу Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланмаган харажатларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар мустасно; 13) ушбу Кодекснинг 300-моддасига мувофиқ талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад; 14) ушбу Кодекснинг 301-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромад;

Старая редакция	Новая редакция
15) ушбу Кодекснинг 302-моддасига мувофиқ хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромад;	15) ушбу Кодекснинг 302-моддасига мувофиқ хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромад;
16) ушбу Кодекснинг 319-моддасига мувофиқ биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинган даромад;	16) ушбу Кодекснинг 319-моддасига мувофиқ биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинган даромад;
17) қарздор томонидан эътироф этилган ёхуд қарздор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати асосида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун тўланиши лозим бўлган жарималар, пенялар ва бошқа санкциялар, шунингдек зарарларнинг (зиённинг) ўрнини қоплаш суммалари;	17) қарздор томонидан эътироф этилган ёхуд қарздор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати асосида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун тўланиши лозим бўлган жарималар, пенялар ва бошқа санкциялар, шунингдек зарарларнинг (зиённинг) ўрнини қоплаш суммалари;
18) ушбу Кодекснинг 320-моддасига мувофиқ курсдаги ижобий фарқ;	18) ушбу Кодекснинг 320-моддасига мувофиқ курсдаги ижобий фарқ;
19) дивидендлар ва фоизлар;	19) дивидендлар ва фоизлар;
20) ишончли бошқарув муассиси томонидан мол-мулкни ишончли бошқаришдан олинган даромад;	20) ишончли бошқарув муассиси томонидан мол-мулкни ишончли бошқаришдан олинган даромад;
21) шакллантирилиш харажатлари ушбу Кодекснинг 44 ва 45-бобларида белгиланган тартибда ва шартларда харажатлар таркибига қабул қилинган, қайта тикланган захиралар суммалари;	21) шакллантирилиш харажатлари ушбу Кодекснинг 44 ва 45-бобларида белгиланган тартибда ва шартларда харажатлар таркибига қабул қилинган, қайта тикланган захиралар суммалари;
22) акциядор, иштирокчи юридик шахс фойдасига ўз улушининг (улуши бир қисмининг) қийматини олишдан воз кечган тақдирда, мазкур юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) камайиши муносабати билан олган даромад;	22) акциядор, иштирокчи юридик шахс фойдасига ўз улушининг (улуши бир қисмининг) қийматини олишдан воз кечган тақдирда, мазкур юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) камайиши муносабати билан олган даромад;
23) корхонани мол-мулк мажмуи сифатида сотишдан олинган даромад;	23) корхонани мол-мулк мажмуи сифатида сотишдан олинган даромад;

Старая редакция	Новая редакция
24) ушбу Кодекснинг VI бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда нархларга тузатишлар киритиш туфайли олинган даромад; 25) ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади; 25-1) ушбу Кодекс 248-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ базасига товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда тузатиш киритиш натижасида олинган даромад; 26) алоҳида ҳисоби мавжуд бўлмаган ва (ёки) улардан мақсадли фойдаланилмаган мақсадли маблағлар тарзидаги даромад (бундан бюджет тўғрисидаги қонунчилик нормалари қўлланиладиган бюджет маблағлари мустасно); 27) ушбу қисмнинг 1 — 26-бандларида кўрсатилмаган бошқа даромадлар. Даромадлар солиқ тўловчи томонидан олинган даромадларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шу жумладан электрон ҳужжатлар, шунингдек солиқни ҳисобга олишга доир ҳужжатлар асосида аниқланади. Жами даромад ушбу бўлим мақсадларида пул, натура шаклида ва (ёки) бошқа шаклларда келиб тушган барча тушумлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.	24) ушбу Кодекснинг VI бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда нархларга тузатишлар киритиш туфайли олинган даромад; 25) ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади; 25-1) ушбу Кодекс 248-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ базасига товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда тузатиш киритиш натижасида олинган даромад; 26) алоҳида ҳисоби мавжуд бўлмаган ва (ёки) улардан мақсадли фойдаланилмаган мақсадли маблағлар тарзидаги даромад (бундан бюджет тўғрисидаги қонунчилик нормалари қўлланиладиган бюджет маблағлари мустасно); 27) ушбу қисмнинг 1 — 26-бандларида кўрсатилмаган бошқа даромадлар. Даромадлар солиқ тўловчи томонидан олинган даромадларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, шу жумладан электрон ҳужжатлар, шунингдек солиқни ҳисобга олишга доир ҳужжатлар асосида аниқланади. Жами даромад ушбу бўлим мақсадларида пул, натура шаклида ва (ёки) бошқа шаклларда келиб тушган барча тушумлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Старая редакция	Новая редакция
Солиқ тўловчи томонидан олинган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлар қиймати миллий валютада ифодаланган даромадлар билан биргаликда ҳисобга олинади. Юридик шахс қайта ташкил этилганда, мол-мулкнинг ва пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган номулкий ҳуқуқларнинг қиймати ва (ёки) юридик шахсларни қайта ташкил этиш чоғида ҳуқуқий ворислик тартибида олинадиган (ўтказиладиган), қайта ташкил этилаётган юридик шахслар ўзининг қайта ташкил этилиш санасига қадар олган мажбуриятларининг қиймати янги ташкил этилган, қайта ташкил этилаётган ва қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг даромадлари деб эътироф этилмайди. Агар даромадни бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ эътироф этиш даромадни ушбу Кодексга мувофиқ аниқлаш ва эътироф этиш тартибидан фарқ қилса, мазкур даромад солиқ солиш мақсадларида ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳисобга олинади.	Солиқ тўловчи томонидан олинган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлар қиймати миллий валютада ифодаланган даромадлар билан биргаликда ҳисобга олинади. Юридик шахс қайта ташкил этилганда, мол-мулкнинг ва пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган номулкий ҳуқуқларнинг қиймати ва (ёки) юридик шахсларни қайта ташкил этиш чоғида ҳуқуқий ворислик тартибида олинадиган (ўтказиладиган), қайта ташкил этилаётган юридик шахслар ўзининг қайта ташкил этилиш санасига қадар олган мажбуриятларининг қиймати янги ташкил этилган, қайта ташкил этилаётган ва қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг даромадлари деб эътироф этилмайди. Агар даромадни бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ эътироф этиш даромадни ушбу Кодексга мувофиқ аниқлаш ва эътироф этиш тартибидан фарқ қилса, мазкур даромад солиқ солиш мақсадларида ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳисобга олинади **бундан ушбу модданинг тўққизинчи қисмида кўрсатилган ҳол мустасно**. **Кредит ташкилотлари томонидан олинган даромадларни эътироф этиш санаси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва (ёки) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ ҳисобга олинади.**

Старая редакция	Новая редакция
мезонларини тасдиқлайди ва аудиторлик ташкилотини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади; Жамғарма маблағларининг ҳақиқатдаги ёки эҳтимолий тақчиллиги мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилади; Жамғарма маблағларини инвестиция қилиш сиёсатини тасдиқлайди; жамоатчиликни омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида хабардор этиш стратегиясини тасдиқлайди; Жамғарма маблағлари тақчиллиги юзага келганда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджет ссудасини ёки Марказий банкдан кредит, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган юридик шахслардан қарз маблағларини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилади; Агентликнинг фаолияти билан боғлиқ халқаро ташкилотларда иштирок этиш ва уларга аъзо бўлиш, улар билан омонатларни кафолатлаш соҳасида ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилади; Кенгаш аъзосининг ваколатларини тугатиш учун асослар юзага келганда Кенгаш аъзосини тайинлаган давлат органини ёки ташкилотни Кенгаш аъзосининг ваколатлари тугатилганлиги тўғрисида хабардор этади. Кенгаш қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.	мезонларини тасдиқлайди ва аудиторлик ташкилотини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади; Жамғарма маблағларининг ҳақиқатдаги ёки эҳтимолий тақчиллиги мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилади; Жамғарма маблағларини инвестиция қилиш сиёсатини тасдиқлайди; жамоатчиликни омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида хабардор этиш стратегиясини тасдиқлайди; Жамғарма маблағлари тақчиллиги юзага келганда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджет ссудасини ёки Марказий банкдан кредит **ва (ёки) исломий молия воситаларини**, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган юридик шахслардан қарз маблағларини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилади; Агентликнинг фаолияти билан боғлиқ халқаро ташкилотларда иштирок этиш ва уларга аъзо бўлиш, улар билан омонатларни кафолатлаш соҳасида ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилади; Кенгаш аъзосининг ваколатларини тугатиш учун асослар юзага келганда Кенгаш аъзосини тайинлаган давлат органини ёки ташкилотни Кенгаш аъзосининг ваколатлари тугатилганлиги тўғрисида хабардор этади. Кенгаш қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Старая редакция	Новая редакция
14-модда. Омонатларни кафолатлаш тизими ва унинг иштирокчилари Омонатларни кафолатлаш тизими (бундан буён матнда кафолатлаш тизими деб юритилади) кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда Агентлик томонидан омонатчиларга компенсацияларни тўлаш орқали омонатчиларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Кафолатлаш тизимида Агентлик, банклар ва кафолатлаш объектларининг эгалари иштирок этади. Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) эга бўлган банкнинг кафолатлаш тизимида иштирок этиши шарт. Банк, шу жумладан микромолия банки ва қонунчиликка мувофиқ ташкил этилган оралиқ банк **лицензия** берилган пайтдан эътиборан кафолатлаш тизимининг иштирокчисига айланади. Банкнинг кафолатлаш тизимидаги иштироки **лицензия** Марказий банк томонидан чақириб олинган тақдирда тугатилади.	14-модда. Омонатларни кафолатлаш тизими ва унинг иштирокчилари Омонатларни кафолатлаш тизими (бундан буён матнда кафолатлаш тизими деб юритилади) кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда Агентлик томонидан омонатчиларга компенсацияларни тўлаш орқали омонатчиларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Кафолатлаш тизимида Агентлик, банклар ва кафолатлаш объектларининг эгалари иштирок этади. Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга **ва (ёки) исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга** (бундан буён матнда банк фаолиятига **доир тегишли** лицензия (**лицензиялар**) деб юритилади) эга бўлган банкнинг кафолатлаш тизимида иштирок этиши шарт Банк, шу жумладан микромолия банки ва қонунчиликка мувофиқ ташкил этилган оралиқ банк **банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар)** берилган пайтдан эътиборан кафолатлаш тизимининг иштирокчисига айланади. Банкнинг кафолатлаш тизимидаги иштироки **банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар)** Марказий банк томонидан чақириб олинган тақдирда тугатилади.
17-модда. Жамғармага тўланадиган бадаллар	17-модда. Жамғармага тўланадиган бадаллар

Старая редакция	Новая редакция
Банклар Жамғармага бир йўла тўланадиган, календарь ва махсус бадаллар тўлайди. Оралиқ банк бир йўла тўланадиган бадални, шунингдек унга **лицензия** берилган кундан эътиборан олти ой давомида календарь ва махсус бадалларни тўлашдан озод этилади. Мазкур бадалларни тўлашдан озод этилганлик оралиқ банкнинг ушбу Қонунда назарда тутилган талабларга риоя этиш мажбуриятини, шу жумладан Агентликка маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини, шунингдек кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда оралиқ банкдаги кафолатланган омонатлар бўйича компенсациялар тўлаш бўйича Агентликнинг мажбуриятини бекор қилмайди. Жамғармага бадаллар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади. Тўланган бадаллар суммаси банкларнинг харажатлари жумласига киритилади ва солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади. Банк томонидан ушбу Қонунга мувофиқ тўланадиган бадаллар ва бошқа тўловлар банкнинг **лицензияси ч**ақириб олинган кунга қадар ҳисобланади ва мазкур банк омонатларни кафолатлаш тизимида иштирок этаётган банкларнинг реестридан чиқарилганлигидан қатъи назар, Агентликка тўланиши керак.	Банклар Жамғармага бир йўла тўланадиган, календарь ва махсус бадаллар тўлайди. Оралиқ банк бир йўла тўланадиган бадални, шунингдек унга **банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар)** берилган кундан эътиборан олти ой давомида календарь ва махсус бадалларни тўлашдан озод этилади. Мазкур бадалларни тўлашдан озод этилганлик оралиқ банкнинг ушбу Қонунда назарда тутилган талабларга риоя этиш мажбуриятини, шу жумладан Агентликка маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини, шунингдек кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда оралиқ банкдаги кафолатланган омонатлар бўйича компенсациялар тўлаш бўйича Агентликнинг мажбуриятини бекор қилмайди. Жамғармага бадаллар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади. Тўланган бадаллар суммаси банкларнинг харажатлари жумласига киритилади ва солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади. Банк томонидан ушбу Қонунга мувофиқ тўланадиган бадаллар ва бошқа тўловлар банкнинг **банк фаолиятига доир тегишли лицензияси (лицензиялари)** чақириб олинган кунга қадар ҳисобланади ва мазкур банк омонатларни кафолатлаш тизимида иштирок этаётган банкларнинг реестридан чиқарилганлигидан қатъи назар, Агентликка тўланиши керак.
18-модда. Бир йўла тўланадиган бадал	18-модда. Бир йўла тўланадиган бадал

Старая редакция	Новая редакция
Бир йўла тўланадиган бадал деганда янгидан ташкил этилган банк томонидан, бундан оралиқ банк ва қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган банк мустасно, Жамғармага дастлабки тўланадиган пул маблағлари тушунилади. Банкнинг бир йўла тўланадиган бадали миқдори қонунчиликда белгиланган банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади. Банк томонидан бир йўла тўланадиган бадал **лицензия** берилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида тўланиши керак.	Бир йўла тўланадиган бадал деганда янгидан ташкил этилган банк томонидан, бундан оралиқ банк ва қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган банк мустасно, Жамғармага дастлабки тўланадиган пул маблағлари тушунилади. Банкнинг бир йўла тўланадиган бадали миқдори қонунчиликда белгиланган банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади. Банк томонидан бир йўла тўланадиган бадал **банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар)** берилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида тўланиши керак.
19-модда. Календарь бадал Календарь бадал деганда банк томонидан Жамғармага ҳар чоракда тўланадиган пул маблағлари тушунилади. Календарь бадал ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15 санасидан кечиктирмай тўланиши керак. Календарь бадал суммасини ҳисоб-китоб қилиш Кенгаш томонидан белгиланган календарь бадал ставкасини банкнинг депозит базаси суммасига кўпайтириш орқали амалга оширилади. Календарь бадал ставкаси чорак учун 0,5 фоиздан ошиши мумкин эмас. Календарь бадалнинг ставкаси ҳар йил 30 октябрдан кечиктирмасдан белгиланади.	19-модда. Календарь бадал Календарь бадал деганда банк томонидан Жамғармага ҳар чоракда тўланадиган пул маблағлари тушунилади. Календарь бадал ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15 санасидан кечиктирмай тўланиши керак. Календарь бадал суммасини ҳисоб-китоб қилиш Кенгаш томонидан белгиланган календарь бадал ставкасини банкнинг депозит базаси суммасига кўпайтириш орқали амалга оширилади. Календарь бадал ставкаси чорак учун 0,5 фоиздан ошиши мумкин эмас. Календарь бадалнинг ставкаси ҳар йил 30 октябрдан кечиктирмасдан белгиланади.

Старая редакция	Новая редакция
Банкнинг депозит базасини аниқлаш тартиби Кенгаш томонидан белгиланади. Агар Кенгаш календарь бадал ставкасини банкларнинг таваккалчиликлари даражасидан келиб чиқиб тасдиқлаган бўлса, банкларнинг таваккалчиликлари даражасини баҳолаш Кенгаш томонидан тасдиқланган услубият асосида ёки Марказий банк томонидан тақдим этилган таваккалчиликлар таснифи асосида амалга оширилади. Мазкур қисмда назарда тутилган банкларнинг таваккалчиликлари даражаси баҳоси ошкор этилмайди, бундан таваккалчиликлар даражаси гуруҳлари тўғрисидаги ахборот мустасно. Агентлик банкнинг таваккалчиликлари даражаси баҳоси ҳақида мазкур банкка ҳамда Марказий банкка хабар беради. Календарь бадалнинг тасдиқланган ставкаси тўғрисидаги ахборот Агентлик томонидан банкларга ва Марказий банкка ставка тасдиқланган кундан эътиборан беш иш куни ичида тақдим этилади. Кенгаш томонидан календарь бадал ставкаси ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддатда тасдиқланмаган тақдирда, кейинги молиявий йил учун амалда бўлган календарь бадал ставкаси қўлланилади. Марказий банк томонидан омонатларга пул маблағлари жалб қилинишининг тўхтатиб турилиши ёки **лицензиянинг** чақириб олиниши банкни тегишли чорак учун календарь бадални тўлашдан озод этмайди.	Банкнинг депозит базасини аниқлаш тартиби Кенгаш томонидан белгиланади. Агар Кенгаш календарь бадал ставкасини банкларнинг таваккалчиликлари даражасидан келиб чиқиб тасдиқлаган бўлса, банкларнинг таваккалчиликлари даражасини баҳолаш Кенгаш томонидан тасдиқланган услубият асосида ёки Марказий банк томонидан тақдим этилган таваккалчиликлар таснифи асосида амалга оширилади. Мазкур қисмда назарда тутилган банкларнинг таваккалчиликлари даражаси баҳоси ошкор этилмайди, бундан таваккалчиликлар даражаси гуруҳлари тўғрисидаги ахборот мустасно. Агентлик банкнинг таваккалчиликлари даражаси баҳоси ҳақида мазкур банкка ҳамда Марказий банкка хабар беради. Календарь бадалнинг тасдиқланган ставкаси тўғрисидаги ахборот Агентлик томонидан банкларга ва Марказий банкка ставка тасдиқланган кундан эътиборан беш иш куни ичида тақдим этилади. Кенгаш томонидан календарь бадал ставкаси ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддатда тасдиқланмаган тақдирда, кейинги молиявий йил учун амалда бўлган календарь бадал ставкаси қўлланилади. Марказий банк томонидан омонатларга пул маблағлари жалб қилинишининг тўхтатиб турилиши ёки **банк фаолиятига доир тегишли лицензиянинг (лицензияларнинг)** чақириб олиниши банкни тегишли чорак учун календарь бадални тўлашдан озод этмайди.

Старая редакция	Новая редакция
Лицензия чақириб олинган тақдирда жорий чорак учун календарь бадал мазкур чорак бошидан **лицензия** чақириб олинган санага қадар ўтган кунлар сонига мутаносиб равишда ҳисобланади. Календарь бадал белгиланган муддатларда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, Марказий банк томонидан қонунчиликка мувофиқ қўлланилиши мумкин бўлган бошқа чоралар ва санкциялардан қатъи назар, тўланмаган суммага ҳар бир муддати ўтган кун учун Марказий банк асосий ставкасининг икки баравари миқдорида пеня ҳисобланади. Ҳисобот чораги учун тўланган календарь бадалнинг ортиқча суммаси келгуси календарь бадал ҳисобида ҳисобга олинади. **Лицензия** чақириб олинган тақдирда, ушбу Қонунга мувофиқ омонатчилардан Агентликка ўтган тугатилаётган банкка нисбатан талаблар ортиқча тўланган бадаллар суммасига камаяди.	**Банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар)** чақириб олинган тақдирда жорий чорак учун календарь бадал мазкур чорак бошидан **банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар)** чақириб олинган санага қадар ўтган кунлар сонига мутаносиб равишда ҳисобланади Календарь бадал белгиланган муддатларда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, Марказий банк томонидан қонунчиликка мувофиқ қўлланилиши мумкин бўлган бошқа чоралар ва санкциялардан қатъи назар, тўланмаган суммага ҳар бир муддати ўтган кун учун Марказий банк асосий ставкасининг икки баравари миқдорида пеня ҳисобланади. Ҳисобот чораги учун тўланган календарь бадалнинг ортиқча суммаси келгуси календарь бадал ҳисобида ҳисобга олинади. **Банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар)** чақириб олинган тақдирда, ушбу Қонунга мувофиқ омонатчилардан Агентликка ўтган тугатилаётган банкка нисбатан талаблар ортиқча тўланган бадаллар суммасига камаяди.
20-модда. Махсус бадал Махсус бадал деганда календарь бадалга қўшимча равишда Жамғармага тўланадиган пул маблағлари тушунилади. Махсус бадал Жамғарма маблағларининг ҳақиқатдаги ёки эҳтимолдаги тақчиллигини бартараф этиш	20-модда. Махсус бадал Махсус бадал деганда календарь бадалга қўшимча равишда Жамғармага тўланадиган пул маблағлари тушунилади. Махсус бадал Жамғарма маблағларининг ҳақиқатдаги ёки эҳтимолдаги тақчиллигини бартараф этиш

Старая редакция	Новая редакция
ва (ёки) компенсациялар тўлаш ёки санация воситаларини қўллаш учун жалб этилган қарз маблағларини тўлаш, шунингдек Жамғарма маблағларидан фойдаланилганидан кейин Жамғарма маблағларини белгиланган муддатларда мақсадли миқдорга етказиш учун белгиланади. Махсус бадаллардан Агентликнинг маъмурий харажатларини молиялаштириш учун фойдаланилиши мумкин эмас. Махсус бадаллар қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда белгиланиши мумкин: махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан аввалги ўн икки ой давомида мазкур бадаллар ундирилмаган бўлиши; фаолиятини **лицензия** олинган кундан эътиборан бир йилдан ортиқ амалга ошираётган банкнинг махсус бадали миқдори махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан олдинги чоракнинг охирги куни ҳолатига кўра банкнинг шундай банкларнинг жами депозит базасидаги улушига мутаносиб бўлиши ҳамда махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан аввалги ўн икки ой давомида банк тўлаши лозим бўлган календарь бадаллар миқдоридан ошмаслиги; фаолиятини **лицензия** олинган кундан эътиборан бир йилдан кам амалга ошираётган банкнинг махсус бадали миқдори махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор	ва (ёки) компенсациялар тўлаш ёки санация воситаларини қўллаш учун жалб этилган қарз маблағларини тўлаш, шунингдек Жамғарма маблағларидан фойдаланилганидан кейин Жамғарма маблағларини белгиланган муддатларда мақсадли миқдорга етказиш учун белгиланади. Махсус бадаллардан Агентликнинг маъмурий харажатларини молиялаштириш учун фойдаланилиши мумкин эмас. Махсус бадаллар қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда белгиланиши мумкин: махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан аввалги ўн икки ой давомида мазкур бадаллар ундирилмаган бўлиши; фаолиятини **банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар)** олинган кундан эътиборан бир йилдан ортиқ амалга ошираётган банкнинг махсус бадали миқдори махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан олдинги чоракнинг охирги куни ҳолатига кўра банкнинг шундай банкларнинг жами депозит базасидаги улушига мутаносиб бўлиши ҳамда махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан аввалги ўн икки ой давомида банк тўлаши лозим бўлган календарь бадаллар миқдоридан ошмаслиги; фаолиятини **банк фаолиятига доир тегишли лицензия** олинган кундан эътиборан бир йилдан кам амалга ошираётган банкнинг махсус бадали миқдори махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган

Старая редакция	Новая редакция
қабул қилинган санага қадар банк тўлаши лозим бўлган календарь бадаллар миқдоридан ошмаслиги. Кенгашнинг махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарори Марказий банк билан келишилиши лозим. Мазкур қарорни келишишда Марказий банк махсус бадал тўланишининг Ўзбекистон Республикаси молиявий барқарорлигига ва банкларнинг молиявий ҳолатига таъсирини ҳисобга олади. Агар Марказий банк махсус бадални тўлаш бир банкнинг ёки бир нечта банкнинг тўлов қобилиятига таҳдид солиши мумкин деган қарорга келса, Марказий банк Агентликдан мазкур банкка (банкларга) махсус бадални тўлаши учун олти ойдан ортиқ бўлмаган бошқа муддат белгиланишини талаб қилиши мумкин. Бунда Марказий банк Агентликнинг махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарори келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида Агентликка қабул қилган қарори тўғрисида хабар бериши керак. Агентлик Кенгашнинг махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарори Марказий банк билан келишилган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай банкларни ва молиявий барқарорлик бўйича тузиладиган махсус кенгашни қуйидагиларни кўрсатган ҳолда хабардор қилади: махсус бадални белгилаш асосларини; банк томонидан тўланиши лозим бўлган суммаларни;	санага қадар банк тўлаши лозим бўлган календарь бадаллар миқдоридан ошмаслиги. Кенгашнинг махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарори Марказий банк билан келишилиши лозим. Мазкур қарорни келишишда Марказий банк махсус бадал тўланишининг Ўзбекистон Республикаси молиявий барқарорлигига ва банкларнинг молиявий ҳолатига таъсирини ҳисобга олади. Агар Марказий банк махсус бадални тўлаш бир банкнинг ёки бир нечта банкнинг тўлов қобилиятига таҳдид солиши мумкин деган қарорга келса, Марказий банк Агентликдан мазкур банкка (банкларга) махсус бадални тўлаши учун олти ойдан ортиқ бўлмаган бошқа муддат белгиланишини талаб қилиши мумкин. Бунда Марказий банк Агентликнинг махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарори келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида Агентликка қабул қилган қарори тўғрисида хабар бериши керак. Агентлик Кенгашнинг махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарори Марказий банк билан келишилган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай банкларни ва молиявий барқарорлик бўйича тузиладиган махсус кенгашни қуйидагиларни кўрсатган ҳолда хабардор қилади: махсус бадални белгилаш асосларини; банк томонидан тўланиши лозим бўлган суммаларни;

Старая редакция	Новая редакция
банк хабардор қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам бўлмаган тўлов муддатини (ушбу модда олтинчи қисмининг талабларини инобатга олган ҳолда). Махсус бадални тўлаш банкни календарь бадални тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.	банк хабардор қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам бўлмаган тўлов муддатини (ушбу модда олтинчи қисмининг талабларини инобатга олган ҳолда). Махсус бадални тўлаш банкни календарь бадални тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.
22-модда. Жамғарма маблағларини инвестиция қилиш Жамғарманинг маблағларини инвестиция қилиш инвестиция сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. Жамғарма маблағлари улар қийматининг бир қисмини бироз йўқотиш ёки йўқотишларсиз пул маблағлари тарзида етти иш куни ичида қайтарилиши мумкин бўлган, таваккалчилик даражаси паст бўлган қуйидаги активларга инвестиция қилиниши мумкин: пул маблағларга ва уларнинг эквивалентларига; Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган давлат қимматли қоғозларига, шунингдек Марказий банкнинг облигацияларига; рўйхати ва баҳолари Кенгаш томонидан аниқланадиган ҳамда Марказий банк билан келишиладиган халқаро рейтинг компанияларининг кредит рейтингига эга	22-модда. Жамғарма маблағларини инвестиция қилиш Жамғарманинг маблағларини инвестиция қилиш инвестиция сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. Жамғарма маблағлари улар қийматининг бир қисмини бироз йўқотиш ёки йўқотишларсиз пул маблағлари тарзида етти иш куни ичида қайтарилиши мумкин бўлган, таваккалчилик даражаси паст бўлган қуйидаги активларга инвестиция қилиниши мумкин: пул маблағларга ва уларнинг эквивалентларига; **Жамғарма маблағлари ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган активларга исломий молия стандартларига мувофиқ инвестиция қилиниши мумкин** Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган давлат қимматли қоғозларига, шунингдек Марказий банкнинг облигацияларига; рўйхати ва баҳолари Кенгаш томонидан аниқланадиган ҳамда Марказий банк билан келишиладиган халқаро рейтинг компанияларининг кредит **ва (ёки) исломий молия воситалари** рейтингига эга бўлган чет

Старая редакция	Новая редакция
бўлган чет давлатларнинг ёки марказий (миллий) банкларнинг қимматли қоғозларига; халқаро молия институтлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга; Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ва чет эл валюталарида очилган депозитларига; рўйхати ва баҳолари Кенгаш томонидан аниқланадиган ҳамда Марказий банк билан келишиладиган рейтинг компаниялари рейтингига эга бўлган банкларнинг қисқа муддатли депозитларига, бунда мазкур инвестицияларнинг миқдори жами инвестиция қилинган маблағларнинг йигирма фоизидан ошмаслиги керак; ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга; ушбу қисмнинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган эмитентлар томонидан тўлиқ кафолатланган бошқа ликвидли қимматли қоғозларга; банкларнинг ликвидлилигини бошқаришга доир талаблар доирасида Марказий банк томонидан белгиланган бошқа юқори ликвидли активларга. Агентлик ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган активлардан Марказий банкдан жалб этилган кредит бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш таъминоти сифатида фойдаланишга ҳақли. Кенгаш инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда Агентликнинг ликвидлиликка бўлган эҳтиёжини инобатга	давлатларнинг ёки марказий (миллий) банкларнинг қимматли қоғозларига; халқаро молия институтлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга; Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ва чет эл валюталарида очилган депозитларига; рўйхати ва баҳолари Кенгаш томонидан аниқланадиган ҳамда Марказий банк билан келишиладиган рейтинг компаниялари рейтингига эга бўлган банкларнинг қисқа муддатли депозитларига, бунда мазкур инвестицияларнинг миқдори жами инвестиция қилинган маблағларнинг йигирма фоизидан ошмаслиги керак; ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга; ушбу қисмнинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган эмитентлар томонидан тўлиқ кафолатланган бошқа ликвидли қимматли қоғозларга; банкларнинг ликвидлилигини бошқаришга доир талаблар доирасида Марказий банк томонидан белгиланган бошқа юқори ликвидли активларга. Агентлик ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган активлардан Марказий банкдан жалб этилган кредит бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш таъминоти сифатида фойдаланишга ҳақли. Кенгаш инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда Агентликнинг ликвидлиликка бўлган эҳтиёжини инобатга

Старая редакция	Новая редакция
олиши, ликвидлиликни сақлаб туриши, Жамғарманинг жойлаштириладиган маблағларига инвестиция қилиниши мумкин бўлган активларнинг хавфсизлигини, шунингдек инвестиция фаолиятидан фойда олиш Агентликнинг бирламчи мақсади бўлмаслигини инобатга олиши керак. Агентликнинг инвестиция сиёсатида Жамғарма маблағларини ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган инвестиция қилиниши мумкин бўлган активларга жойлаштириш тартиби, мезонлари, лимитлари, концентрацияси ва қайтариш муддатлари белгиланади. Агентлик чет эл шахсларидан олинган қарз маблағларини ёки Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига инвестиция қилишдан олинган чет эл валютасидаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига конвертация қилишни таъминлаш учун Марказий банкда чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳақли. Агентликнинг Жамғарма маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромадлари фойда солиғидан озод этилади.	олиши, ликвидлиликни сақлаб туриши, Жамғарманинг жойлаштириладиган маблағларига инвестиция қилиниши мумкин бўлган активларнинг хавфсизлигини, шунингдек инвестиция фаолиятидан фойда олиш Агентликнинг бирламчи мақсади бўлмаслигини инобатга олиши керак. Агентликнинг инвестиция сиёсатида Жамғарма маблағларини ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган инвестиция қилиниши мумкин бўлган активларга жойлаштириш тартиби, мезонлари, лимитлари, концентрацияси ва қайтариш муддатлари белгиланади. Агентлик чет эл шахсларидан олинган қарз маблағларини ёки Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига инвестиция қилишдан олинган чет эл валютасидаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига конвертация қилишни таъминлаш учун Марказий банкда чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳақли. Агентликнинг Жамғарма маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромадлари фойда солиғидан озод этилади.
23-модда. Жамғарма маблағларининг тақчиллигини бюджет ссудаси ва (ёки) Марказий банкнинг кредити ҳисобидан қоплаш Жамғарма маблағларининг тақчиллигини махсус бадал, шунингдек жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қоплаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда,	23-модда. Жамғарма маблағларининг тақчиллигини бюджет ссудаси ва (ёки) Марказий банкнинг кредити **ва (ёки) исломий молия воситалари** ҳисобидан қоплаш Жамғарма маблағларининг тақчиллигини махсус бадал, шунингдек жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қоплаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда,

Старая редакция	Новая редакция
Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджет ссудасини ва (ёки) Марказий банкдан кредит жалб этиши мумкин. Марказий банк ликвидлиликни таъминлаш учун Агентликка Марказий банк томонидан мақбул деб топилган мажбуриятларнинг бажарилиш таъминоти шарти билан кредит беришга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган бюджет ссудаси шартлари Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (бундан буён матнда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги деб юритилади) ўртасида келишилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори кучга кирганидан кейин бюджет ссудаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Агентликнинг ёзма сўрови келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентликка ажратилиши керак. Жамғарма маблағларининг тақчиллигини қоплаш учун Агентликка Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган бюджет ссудаси ва (ёки) Марказий банк кредитлари бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлган, ўхшаш	Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджет ссудасини ва (ёки) Марказий банкдан кредит **ва (ёки) исломий молия воситалари** жалб этиши мумкин. Марказий банк ликвидлиликни таъминлаш учун Агентликка Марказий банк томонидан мақбул деб топилган мажбуриятларнинг бажарилиш таъминоти шарти билан кредит **ва (ёки) исломий молия воситалари** беришга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган бюджет ссудаси шартлари Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (бундан буён матнда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги деб юритилади) ўртасида келишилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори кучга кирганидан кейин бюджет ссудаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Агентликнинг ёзма сўрови келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентликка ажратилиши керак. Жамғарма маблағларининг тақчиллигини қоплаш учун Агентликка Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган бюджет ссудаси ва (ёки) Марказий банк кредитлари бўйича фоиз ставкаси **ёки бошқа даромадлар миқдори** Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлган, ўхшаш тўлаш муддатига эга бўлган қарз

Старая редакция	Новая редакция
тўлаш муддатига эга бўлган қарз воситалари бўйича фоиз ставкасидан юқори бўлиши мумкин эмас. Бозор конъюнктураси яхшиланиши биланоқ Кенгаш ушбу Қонуннинг 19 ва 20-моддалари талабларига мувофиқ календарь бадал ставкасини ошириш ва махсус бадални белгилаш орқали банклардан маблағлар йиғиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган бюджет ссудаси ва (ёки) Марказий банк кредитини қайтариш бўйича зарур бўлган чораларни кўриши керак. Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу моддада назарда тутилган бюджет ссудасини жалб этиш тартиби ва шартларини белгиловчи битим тузиши керак.	воситалари бўйича фоиз ставкасидан **ёки бошқа даромадлардан** юқори бўлиши мумкин эмас Бозор конъюнктураси яхшиланиши биланоқ Кенгаш ушбу Қонуннинг 19 ва 20-моддалари талабларига мувофиқ календарь бадал ставкасини ошириш ва махсус бадални белгилаш орқали банклардан маблағлар йиғиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган бюджет ссудаси ва (ёки) Марказий банк кредитини **ва (ёки) исломий молия воситаларини** қайтариш бўйича зарур бўлган чораларни кўриши керак. Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу моддада назарда тутилган бюджет ссудасини жалб этиш тартиби ва шартларини белгиловчи битим тузиши керак.
25-модда. Кафолатлаш объектлари Жисмоний шахсларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорларнинг, шунингдек юридик шахсларнинг банклардаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ва чет эл валютасидаги омонатлари кафолатлаш объектларидир, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган омонатлар мустасно. Кафолатлаш объектини аниқлашда қуйидагилар омонат деб ҳисобланади: банк омонати шартномасига ёки банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ банкка қўйилган, шу жумладан шартноманинг тегишли шартлари бажарилгунига қадар	25-модда. Кафолатлаш объектлари Жисмоний шахсларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорларнинг, шунингдек юридик шахсларнинг банклардаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ва чет эл валютасидаги омонатлари кафолатлаш объектларидир, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган омонатлар мустасно. Кафолатлаш объектини аниқлашда қуйидагилар омонат деб ҳисобланади: банк омонати шартномасига ёки банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ банкка қўйилган, шу жумладан шартноманинг тегишли шартлари бажарилгунига қадар

Старая редакция	Новая редакция
алоҳида ҳисобварақларда сақланадиган («эскроу» хизмати), шунингдек омонат (депозит) сертификатлари билан тасдиқланган пул маблағларининг қолдиғи; банк омонати шартномаси ёки банк ҳисобварағи шартномаси бўйича ҳисобланган, бироқ кафолатлаш ҳодисаси юзага келгунига қадар тўланмаган фоизларнинг қолдиғи, агар уларни ҳисоблаш мазкур шартномаларда назарда тутилган бўлса, шунингдек омонат (депозит) сертификатида белгиланган фоизларнинг ҳисобланган, бироқ тўланмаган қолдиғи. Қуйидагилар кафолатлаш объекти бўлмайди: банкларнинг, нобанк кредит ташкилотларининг, лизинг ташкилотларининг, суғурта ташкилотларининг, инвестиция ва пай фондларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлат ваколатли органининг тегишли лицензиясига ёки рухсатига асосан фаолият юритаётган ёхуд фаолиятини ваколатли органларни хабардор қилиш тартибида амалга ошираётган бошқа молия ташкилотларининг омонатлари; давлат ташкилотлари ва корхоналарининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг давлат органлари омонатлари; банкка алоқадор шахсларнинг омонатлари, бундан банкнинг бошқарув аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимларининг охирги уч ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари миқдоридан ошмайдиган омонатлари мустасно;	алоҳида ҳисобварақларда сақланадиган («эскроу» хизмати), шунингдек омонат (депозит) сертификатлари билан тасдиқланган пул маблағларининг қолдиғи; банк омонати шартномаси ёки банк ҳисобварағи шартномаси бўйича ҳисобланган, бироқ кафолатлаш ҳодисаси юзага келгунига қадар тўланмаган фоизларнинг қолдиғи, агар уларни ҳисоблаш мазкур шартномаларда назарда тутилган бўлса, шунингдек омонат (депозит) сертификатида белгиланган фоизларнинг ҳисобланган, бироқ тўланмаган қолдиғи. Қуйидагилар кафолатлаш объекти бўлмайди: банкларнинг, нобанк кредит ташкилотларининг, лизинг ташкилотларининг, суғурта ташкилотларининг, инвестиция ва пай фондларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлат ваколатли органининг тегишли лицензиясига ёки рухсатига асосан фаолият юритаётган ёхуд фаолиятини ваколатли органларни хабардор қилиш тартибида амалга ошираётган бошқа молия ташкилотларининг омонатлари; давлат ташкилотлари ва корхоналарининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг давлат органлари омонатлари; банкка алоқадор шахсларнинг омонатлари, бундан банкнинг бошқарув аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимларининг охирги уч ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари миқдоридан ошмайдиган омонатлари мустасно;

Старая редакция	Новая редакция
чет элда очилган шуъба банклардаги ёки банк филиалларидаги омонатлар; шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган пул маблағлари; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ фаолиятдан олинганлиги суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланган пул маблағлари.	чет элда очилган шуъба банклардаги ёки банк филиалларидаги омонатлар; шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган пул маблағлари; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ фаолиятдан олинганлиги суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланган пул маблағлари. **исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банклардаги инвестициявий омонатлар**
Қуйидагилар омонат ҳисобланмайди: акциялар ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ банкнинг регулятив капитали таркибига киритилган бошқа воситалар; банк томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозлари (таъминланган ва таъминланмаган облигациялар, оддий векселлар); банкнинг субординар қарз мажбуриятлари; банкнинг сейфларида сақланаётган пул маблағлари; ҳосила молиявий воситалар, жумладан банк томонидан чиқарилган фьючерслар, форвард контрактлари, своплар ва опционлар бўйича юзага келадиган талаб қилиш ҳуқуқи; банкнинг мол-мулкни ишончли бошқариш фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган талаб қилиш ҳуқуқи.	Қуйидагилар омонат ҳисобланмайди: акциялар ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ банкнинг регулятив капитали таркибига киритилган бошқа воситалар; банк томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозлари (таъминланган ва таъминланмаган облигациялар, оддий векселлар); банкнинг субординар қарз мажбуриятлари; банкнинг сейфларида сақланаётган пул маблағлари; ҳосила молиявий воситалар, жумладан банк томонидан чиқарилган фьючерслар, форвард контрактлари, своплар ва опционлар бўйича юзага келадиган талаб қилиш ҳуқуқи; банкнинг мол-мулкни ишончли бошқариш фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган талаб қилиш ҳуқуқи.

Старая редакция	Новая редакция
34-модда. Банкка алоқадор шахслар Ушбу Қонун мақсадларида қуйидагилар банкка алоқадор шахслар ҳисобланади: банк кузатув кенгашининг аъзолари; банк бошқарувининг аъзолари, шунингдек банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари; банкнинг ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорлари; банкнинг охирги бенефициар мулкдорлари; ушбу қисмнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг яқин қариндошлари. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган шахслар охирги бенефициар мулкдор ҳамда ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг яқин қариндошларидир.	34-модда. Банкка алоқадор шахслар Ушбу Қонун мақсадларида қуйидагилар банкка алоқадор шахслар ҳисобланади: банк кузатув кенгашининг аъзолари; банк бошқарувининг аъзолари, шунингдек банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари; банкнинг ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорлари; **исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкнинг исломий молия масалаларини мувофиқлаштирувчи исломий молия кенгаши аъзолари.** банкнинг охирги бенефициар мулкдорлари; ушбу қисмнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг яқин қариндошлари. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган шахслар охирги бенефициар мулкдор ҳамда ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг яқин қариндошларидир.
35-модда. Агентликнинг Марказий банк билан ҳамкорлиги	35-модда. Агентликнинг Марказий банк билан ҳамкорлиги

Старая редакция	Новая редакция
Кафолатлаш тизимининг ишлаши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари юзасидан Агентлик ва Марказий банк: банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши қисмида биргаликдаги инспекцияни (текширувларни) амалга ошириш; банкни санация қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш; кафолатлаш тизими тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш; махсус бадал миқдорининг, Жамғарма маблағлари мақсадли миқдорининг, кафолатланган омонат миқдорининг етарлилигини баҳолаш ва банкнинг депозит базасини аниқлаш услубиятини, шунингдек агент-банкни танлаш мезонларини келишиш доирасида ҳамкорлик қилади. Марказий банк тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай Агентликка: банкка **лицензия** бериш ёки уни чақириб олиш; банкни қайта ташкил этиш учун рухсат бериш; вақтинчалик бошқарувчини (вақтинчалик бошқарувчиларни) тайинлаш; банкни санация қилиш тўғрисидаги қарорлардан кўчирмалар беради.	Кафолатлаш тизимининг ишлаши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари юзасидан Агентлик ва Марказий банк: банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши қисмида биргаликдаги инспекцияни (текширувларни) амалга ошириш; банкни санация қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш; кафолатлаш тизими тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш; махсус бадал миқдорининг, Жамғарма маблағлари мақсадли миқдорининг, кафолатланган омонат миқдорининг етарлилигини баҳолаш ва банкнинг депозит базасини аниқлаш услубиятини, шунингдек агент-банкни танлаш мезонларини келишиш доирасида ҳамкорлик қилади. Марказий банк тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай Агентликка: банкка **банк фаолиятига доир тегишли лицензия (лицензиялар)** бериш ёки уни чақириб олиш; банкни қайта ташкил этиш учун рухсат бериш; вақтинчалик бошқарувчини (вақтинчалик бошқарувчиларни) тайинлаш; банкни санация қилиш тўғрисидаги қарорлардан кўчирмалар беради.

Старая редакция	Новая редакция
Агентлик ушбу Қонунда назарда тутилган бадалларни тўламаган банклар тўғрисидаги маълумотларни икки иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка тақдим этади. Агентлик ва Марказий банк ушбу Қонунда назарда тутилган ҳамкорликни амалга оширишни, шунингдек ахборот алмашишни, шу жумладан эгасизлантирилган тарзда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, кафолатлаш ҳодисаси юзага келиши эҳтимоли тўғрисидаги маълумотларни алмашишни тартибга солувчи англашув меморандумини тузади.	Агентлик ушбу Қонунда назарда тутилган бадалларни тўламаган банклар тўғрисидаги маълумотларни икки иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка тақдим этади. Агентлик ва Марказий банк ушбу Қонунда назарда тутилган ҳамкорликни амалга оширишни, шунингдек ахборот алмашишни, шу жумладан эгасизлантирилган тарзда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, кафолатлаш ҳодисаси юзага келиши эҳтимоли тўғрисидаги маълумотларни алмашишни тартибга солувчи англашув меморандумини тузади.
7-боб. **Агентлик мансабдор шахсларининг жавобгарлиги ва мажбуриятлари**	7-боб. **Манфаатлар тўқнашуви ҳамда Агентликнинг мансабдор шахсларини ва ходимларини ўз вазифаларини бажариши чоғида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш.**
44-модда. Мансабдор шахсларни ва ходимларни ўз вазифаларини бажариши чоғида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш Кенгаши аъзолари, бош директор, шунингдек Агентлик ходимлари, **шу жумладан уларнинг ваколатлари тугатилганидан ёки Агентликда ишлашини якунлаганидан кейин фақат ўз вазифаларини бажариши чоғида инсофсизлик билан содир этилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгар бўлади.**	44-модда. Мансабдор шахсларни ва ходимларни ўз вазифаларини бажариши чоғида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш Кенгаш аъзолари, бош директор, Агентлик ходимлари, **шунингдек ушбу Қонунга ёки Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатларини амалга ошириш учун Агентлик томонидан жалб этилган бошқа шахслар, шу жумладан уларнинг ваколатлари тугатилганидан кейин ёки улар Агентликда ишлашини якунлаганидан кейин фақат ўз вазифаларини бажариши чоғида инсофсизлик билан**

Старая редакция	Новая редакция
Агентлик ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг манфаатларини улар ушбу Қонунга мувофиқ ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан қўзғатилган суд иши ва маъмурий иш юритилиши доирасида, шу жумладан мазкур шахсларнинг ваколатлари тугатилган ёки Агентликда ишлаши якунланган ҳолларда ифодалашга доир харажатларни тўлайди.	**содир этилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгар бўлади** Агентлик ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг манфаатларини улар ушбу Қонунга мувофиқ ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан қўзғатилган суд иши ва маъмурий иш юритилиши доирасида, шу жумладан мазкур шахсларнинг ваколатлари тугатилган ёки Агентликда ишлаши якунланган ҳолларда ифодалашга доир харажатларни тўлайди.